

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

10/2020

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*Козимджан КАМИЛОВ*  
*Робахон МАХМУДОВА*  
*Икрам МУСЛИМОВ*  
*Холмўмин ЁДГОРОВ*  
*Бахтиёр ИСАКОВ*  
*Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ*  
*Ибрагим АЛИМОВ*  
*Олим ХАЛМИРЗАЕВ*  
*Акмал МУРОДОВ*  
*Шахноза АХАТОВА*  
*Омонбой ОҚЮЛОВ*  
*Азиз МИРЗАЕВ*  
*Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Тахририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош муҳаррир**  
*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

**Масъул котиб**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** odilsudlov.oliy@sud.uz  
**Веб-сайт:** www.odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 22 октябрда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –50. Нашр адади 4650 нусха.

**Навбатчи муҳаррир**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

**ИНДЕКС:**  
*якка тартибдаги обуначилар*  
*учун – 908;*  
*ташкilotлар учун – 909.*

**Сотувда келишилган нархда**

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: 100 139,  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

**ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.....3

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

**М. Рустамбаев.** Шахс ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш – замон талаби.....7

**Н. Салаев.** Жиноятларни фош этиш фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили.....10

**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН**

**Д. Миразов.** Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув устидан суд назорати (контроли) ва уни амалга ошириш субъектлари.....12

**МУНОСАБАТ**

**И. Толибов.** Тарихий фармон.....17

**Л. Мамаражабов.** Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш йўлида.....20

**Ш. Хамидов.** Суд мустақиллигини таъминлаш муҳим омил.....22

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

**С. Солиев.** Одил судловни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти.....24

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ**

**И. Саидов.** Судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари: Британия тажрибаси.....26

**ҚИЁСИЙ ШАРҲ**

**М. Раджапова.** Судларда прокурор иштирокини таъминлашнинг процессуал жиҳатлари ва халқаро стандартлар.....28

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН**

**У. Самандаров.** Судланганлик қандай олиб ташланади?.....33

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН**

**М. Эшимбетов.** Маъмурий орган актлари (қарорлари) ва улар юзасидан судда низолашиш: муаммо ва ечимлар.....35

**Ж. Сувонқулов.** Ерга оид муносабатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки.....39

**ФАОЛИЯТ**

**Н. Файзиев.** Фарзандликка олиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарур.....42

**КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН**

**Д. Акрамова.** Корпоратив муносабатлар билан боғлиқ ишлар.....44

**МУЛК ҲУҚУҚИ**

**Ғ. Мирзаев.** Умумий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, унинг тасарруф этилиши.....47

**1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

**З. Исмагуллаев.** Ширин сўз соҳиби.....51

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

### СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади.

Суд ҳоқимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПФ–6034-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 – 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ах-

борот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда таксимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар суд ҳоқимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг **кейинги босқичдаги вазифалари** этиб белгилансин:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган **интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш**, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн **кузатиб борилишини таъминлаш**, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан **электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш**;

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг **очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш**;

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон

Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2020 йил 4 сентябрда эълон қилинган.

хамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини **онлайн тарзда олиш** имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш**, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 – 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш **дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан **аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш** ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида **ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш**;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» **хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш**;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга **онлайн тарзда**, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида **10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни** йўлга қўйиш;

2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-комму-

никация технологиялари **инфратузилмасини янада яхшилаш**.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «**Йўл харитаси**» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**28 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан **бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш**;

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали **фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш**;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Белгилансинки, Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қуйидаги имкониятларни берувчи «**Адолат**» **ахборот тизимлари комплекси** жорий этилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-

ри, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан **судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш**;

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёни **онлайн тарзда кузатиб бориш**;

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда **автоматлаштирилган равишда шакллантириш**.

6. Олий суд 2020 йил якунига қадар:

суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи **мобиль дастурни ишлаб чиқсин** ва уни амалиётга жорий этсин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида **видеоконференцалоқа режимида иштирок этишлари имконини берувчи ускуналар** билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

7. Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон мурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган **саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш**;

Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва мурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини **онлайн тарзда назорат қилиш тартибини** ўрнатиш.

8. «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар зиммасига суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилиши режалаштирилган **ахборот тизимларини ишлаб чиқиш** ҳамда уларнинг **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш вазифалари** юклатилсин.

Белгилансинки, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактабининг буюртмаси асосида доимий равишда «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар томонидан амалга оширилади, уларни ишлаб чиқиш учун шартномалар белгиланган тартибда тузилади ҳамда шартнома нархи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган ўртача бозор нархи асосида шакллантирилади.

9. Худудларда судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бириктирилсин.

Олий суд Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга** қадар кейинги йил учун судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш юзасидан худудлар кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

10. Судьялар олий мактаби бир ой муддатда судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига

судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модулини киритсин.

11. Белгилансинки:

суд тизими учун дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

судлар фаолиятини рақамлаштиришда зарур компьютер, сервер ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Мазкур қарорнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

**Олий суд раиси** (К. Камиллов) ва **Судьялар олий кенгаши раиси** (Х. Ёдгоров) Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида ҳамда халқаро анжуманларда суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этиладиган ахборот тизимларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдаги аҳамиятини муҳокама қилсин, шунингдек судьялар ва судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш чораларини кўрсин;

**Олий суд раиси** (К. Камиллов), **ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир** (Ш. Садиқов) Дастур ва «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин;

**инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари** (Л. Қудратов) **Олий суд раиси** (К. Камиллов) билан биргаликда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича қарорда белгиланган лойиҳалар ва тадбирлар ижросини таъ-

минлаш учун халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи** (О. Умаров) Дастур ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига кўмаклашсин;

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори** (А. Ходжаев) Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва «Дунё» ахборот агентлиги билан биргаликда аҳоли, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамжамияти орасида суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳақида кенг тарғибот ишларини, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ижтимоий роликларни мунтазам равишда жойлаштириш чораларини амалга оширсин.

13. Олий суд, Судьялар олий кенгаши мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига** хар чоракда **ахборот бериб борсин**.

14. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир** А.Н. Арипов ва **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари** З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент ш.,  
2020 йил 3 сентябрь*



## ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимизда суд-тергов соҳасида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқариш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш зарурияти мавжудлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 10 августда «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, ундаги вазифалар бугунги кундаги суд-тергов амалиёти чуқур таҳлилидан келиб чиққан ҳолда белгилаб қўйилган.

Фармон билан мамлакатимизда суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилди:

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз рия этилишини таъминлаш, процесуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жинойт процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жинойтларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жинойт учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва дав-

латга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;

шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

жинойт ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

жинойтчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек жинойтларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва баргараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш.

Таъкидлаш лозимки, мазкур вазифалар ижросини таъминлаш Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги билан бир қаторда Миллий гвардия органлари зиммасига ҳам юклатилган.

Фармонга мувофиқ жинойт процессининг судга қадар иш юритувини амалга ошириш, шу жумладан терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятида шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро стандартларга мос бўлган янги механизмлари жорий этилмоқда. Жумладан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш мумкинлиги тартиби белгиланмоқда. Шунингдек, шахснинг ҳимояланиш ҳуқуқининг кафолатлари ҳам кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)га мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига суриштирувчи, прокурор, суд томонидан ҳимояланиш учун барча имкониятлар яратиб берилди.

Айнан шундай қоида ЖПКнинг 64-моддасида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини тушунтириб бериш ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш мажбурияти сифатида мустаҳкамланган. Унга асосан суриштирувчи, прокурор ёки судья гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт.

Ушбу мажбурият Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва оқланган шахснинг ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишда асос қилиб олинувчи принциплардан биридир.

Фармон билан шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилганига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш, ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган

ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш мумкин эмаслиги ҳуқуқий тартибга солинмоқда. Амалдаги процессуал қонунчиликка асосан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли бўлган ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилиниши мумкин (ЖПКнинг 116-моддаси). Бу қоида гувоҳлик иммуни-тети деб аталади.

Гувоҳ ёки жабрланувчи учун кўрсатувлар бериш мажбурият ҳисобланганлиги сабабли улар чақирув билан белгиланган жойга кўрсатилган вақтда келиши ва ҳаққоний кўрсатувлар бериши керак. Сўроқ бошланишидан олдин бу шахслар кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақида сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади (ЖПКнинг 117-моддаси). Бирок, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди (ЖПК 117-моддасининг иккинчи қисми).

Фармон билан ўрнатилаётган тартибга асосан мамлакатимиз жиноят процессида шахсни ўзига қарши гувоҳлик бермаслиги ҳуқуқи тартибга солиниши билан бирга, унинг яқин қариндошларининг «гувоҳлик иммуни-тети» янги босқичга чиқарилмоқда ва асослар мавжуд бўлмаганида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқинларини нафақат сўроқ қилиш, балки чақириш ҳам ман этилиши белгиланмоқда. Бу ўз навбатида, судга қадар иш юритувни амалга ошириш жараёнида гумон қилинувчига ёки айбланувчига қўлланилиши эҳтимоли бўлган, ундан «айбига иқрорлик» кўрсатувларини олиш мақсадини кўзлаган ҳолда «яқин қариндошларини ҳам жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилиш»дан иборат ноқонуний усуллар қўлланилишини истисно этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда ушланган, гумон қилинган ёки



айб эълон қилинган шахслар томонидан жиноят ишини судга қадар юритувни амалга ошириш жараёнида уларга нисбатан терговнинг ноқонуний усуллари қўлланилганлиги, жисмоний куч ишлатилганлиги ҳақида аризалар билан давлат ҳокимияти органларига, тегишли вазирлик ва давлат қўмиталарининг юқори органларига, прокурорларга мурожаатлар учрайди. Бунда, мазкур вазирлик тасдиқлаш учун тегишли равишда шахсни тиббий кўрикдан ва гувоҳлантиришдан ўтказиш талаби ҳам билдирилади. Фармонда айнан шундай ҳоллар ҳисобга олиниб, терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокати-нинг илтимосномасига асосан 24 соат ичида вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шартлиги белгиланмоқда, лекин бундай харажатлар илтимоснома киритувчи тараф ҳисобидан қопланиши ҳам тартибга солинмоқда.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан яна бири – унда вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилган. Яраштирув институти қўлланилишида оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгиланмоқда. Шунингдек, вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан

маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Мамлакатимизда тергов соҳасидаги кадрларни тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасасини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига бир ой муддатда Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, икки ой муддатда прокуратура органларининг белгиланган штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий этиш, уч ой муддатда Давлат бюджети параметрларида прокуратура органлари учун ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан прокурор-криминалистларни замонавий маҳсул жихозлар билан таъминлаш чораларини кўриш вазифалари юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш кафолатларини янада кучайтиради.

**М. РУСТАМБАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий гвардияси**  
**Ҳарбий-техник институти бошлиғи,**  
**юримдик фанлар доктори,**  
**профессор**

## ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тез ва самарали фош этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг муҳим вазифаси ҳисобланиб, мазкур соҳани тартибга солишни такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишидир.

Жорий йилнинг 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилингани бу борадаги муҳим кадам бўлди. Фармонда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида жиноятларни фош этиш фаолиятини янада такомиллаштиришга оид бир неча янгиликларни жорий этишга урғу берилди.

*Биринчидан*, жиноятларни фош этиш инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан узвий боғлиқ эканлиги аниқ кўрсатиб ўтилди. Хусусан, Фармон билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда гумон

қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан кўрсатувлар олишни фақатгина суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш лозимлиги белгиланди. Бу эса, нафақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонунийликни таъминлашга, балки инсон ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишига ҳам хизмат қилади.

*Иккинчидан*, ушланган шахснинг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш мақсадида:

- ушлаб туриш муддатини жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб эмас, балки шахс ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш;

- шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб, тегишли мансабдор шахс у билан боғлиқ суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин ҳимоячи билан холи учрашувни таъминлаши шартлиги ҳақидаги қоида назарда тутилмоқда.

*Учинчидан*, илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда жиноятларни самарали фош этишга оид айрим янгиликлар киритилди. АҚШ, Франция, Германия каби мамлакатларда ўзини оқлаб келаётган айбига иқрорлик бўйича келишув институтини қонунчиликка киритиш на-

зарда тугилмоқда. Мазкур қоидага биноан жиноят содир этган шахс айбини бўйнига олган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши мумкин. Бундай келишув кейинчалик айбдор шахсга суд томонидан қонунда белгиланган жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинлашга сабаб бўлади.

Илғор хорижий мамлакатларда қўлланиладиган муҳим қоидалардан яна бири кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишдир. Шу мақсадда қонунчиликка суриштирув ҳамда тергов вақтида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узок муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаса, уларнинг кўрсатувларини суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тартибини жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Бу эса, далилларнинг тўлиқлиги ва мақбуллигини таъминлашга хизмат қилади.

*Тўртинчидан*, тергов фаолиятида ҳимоя олишга бўлган ҳуқуқни таъминлаш мақсадида ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиляётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш кўзда тутилмоқда. Бу судга қадар иш юритиш даврида шахс ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

*Бешинчидан*, жиноятларни фош этиш бўйича суриштирувчи ва терговчиларнинг амалий кўникмаларини янада ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлимлари ва Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги тергов бошқармасининг фаолияти халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этилиши белгиланиб, ушбу тергов бўлимлари замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография қилиш ускуналари билан таъминланади.

Тергов хоналари замонавий тарзда, халқаро стандартларга мослаштирилиб, шахсларнинг ҳимоячи билан холи учрашиши учун мўлжалланган ҳолда ташкил этилади. Шу билан бирга, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш учун жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналарини техник воситалар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш чоралари кўрилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Фармон билан белгиланган янгиликлар жиноятларни самарали ва тез фош этишга, суд-тергов фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга, мазкур жараёнда инсон ҳуқуқларини тўлиқ қафолатлашга хизмат қилади.

**Н. САЛАЕВ,**  
**Тошкент давлат юридик**  
**университети проректори,**  
**юридик фанлар доктори**

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ (КОНТРОЛИ) ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ СУБЪЕКТЛАРИ

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни куриш вазифаси, ўз навбатида, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг самарали механизми яратилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда суд-тергов соҳасида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқариш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш зарурияти мавжудлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 10 августда «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. Фармоннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар бугунги кундаги суд-тергов амалиёти чуқур таҳлилидан келиб чиққан ҳолда қўйилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлган дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд контролини ўрнатиш судга қадар иш юритув давомида қонуни бузилишларининг олдини олишда қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, судга қадар иш юритув жараёни устидан суд контролини жорий қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ тарзда бир қатор муаммолар юзага келиб, уларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши жиноят процессида шахс ҳуқуқлари таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу, энг аввало,

судга қадар иш юритиш жараёнлари устидан суд контролининг предмети ва чегаралари, унинг қонуний тартибга солиниши, натижалари ва уларнинг аҳамияти билан узвий боғлиқдир. Фикримизча, ушбу масалалар нафақат назарий жиҳатдан ўрганилиши, қонун ижодкорлиги орқали тартибга солиниши, балки жиноятларни тергов қилиш фаолиятида бугунги кунда мавжуд бўлган амалиётни, ҳақиқий ҳолатни ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши керак.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти, унинг функциялари, вазифалари хусусида олиб борилган илмий изланишлар орасида З. Ф. Иноғомжонованинг «Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари», Ф. Ф. Мухитдинованинг «Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан», Ш. О. Умарованинг «Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат курилишида суд ҳокимиятининг ўрни», А. У. Эгамбердиевнинг «Судебная власть: уголовно-процессуальные аспекты», Ғ. М. Шодиевнинг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати» мавзуларидаги илмий изланишларини алоҳида кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

Профессор У. Таджихановнинг фикрича, суд ҳокимияти – ҳокимиятлар бўлиниши назариясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига биноан, ҳокимиятнинг (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлари билан бир қаторда) мустақил ва эркин тармоғи. У ўзида: а) одил судловни амалга ошириш ваколатлари, яъни жиноий, фуқаролик, маъмурий ва конституциявий ишларни процессуал қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиш ваколат-

лари йиғиндисини, баъзан ҳуқуқ нормаларини изоҳлаш ваколатларини, қонун ижодкорлиги ваколатлари ва бошқа иккинчи даражали ваколатларни; б) юқорида қайд этилган ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизимини мужассамлаштиради. Суд ҳокимияти ваколатлари одил судловни амалга ошириш бўйича турларга бўлинади. Ҳозирги замон демократик мамлакатларида суд ҳокимияти асосий ваколатларини амалга ошириш ҳар хил тоифалардаги судларга юклатилади<sup>2</sup>. Тадқиқотчи Ш. О. Умарованинг фикрича, «суд ҳокимияти фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ва ҳуқуқнинг ўзини ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ва қарорларидан, уларни ким содир этишидан қатъи назар, шу жумладан, ҳокимият ваколатларига эга бўлган мансабдор шахслардан, давлатнинг ўзидан ҳимоя қилиши, шу орқали ҳуқуқ устуворлигини таъминлаши лозим»<sup>3</sup>. Тадқиқотчи А. Қурбоннов суд ҳокимияти – судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги асосида жинойий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриш бўйича ваколати<sup>4</sup>, деган фикрни илгари суради.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда суд ҳокимияти – давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлиб,

инсонларга ва уларнинг хулқ-атворида суд органлари орқали махсус ўрнатилган процессуал тартибда ва ўзига хос шаклда таъсир ўтказиш имкониятини амалга оширувчи органлар тизими, деган хулосага келиш мумкин. Ҳар бир давлат органи каби суд ҳокимияти ҳам давлат фаолиятининг муайян йўналишини бажаришга ва ўзига юклатилган функцияларнинг ижросини таъминлашга сафарбар этилган.

Суд ҳокимиятининг функцияларини З.Ф.Иноғомжонова асосий ва қўшимча функцияларга бўлади<sup>5</sup>. Бундай тақсимотнинг асоси бўлиб: суд ҳокимияти ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга қодирлиги; юзага келаётган низо ёки можароларни бевосита ва моҳияти бўйича ҳал эта олиши; жинойий қилмишларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўра олиши каби мезонлар хизмат қилади. Бунда, суд ҳокимиятининг асосий функцияларига одил судлов ва суд контроли, ёрдамчи функцияларига эса қонунчилик ташаббуси, норматив ижодкорлик ва суд амалиётини умумлаштиришни киритиш мумкин<sup>6</sup>. Муаллифнинг суд ҳокимияти томонидан амалга ошириладиган асосий функция сифатида одил судловнинг белгилаганлиги ҳақида-

## АННОТАЦИЯ

Мақолада суд ҳокимиятининг функциялари ва уларнинг орасида суд контролининг ўрни ва ролининг назарий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган, тегишли илмий-назарий хулосаларга келинган.

**Таянч сўзлар:** суд ҳокимияти, суд контроли, назорат, қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

\* \* \*

В статье осуществлен теоретико-правовой анализ функций судебной власти, роли и места судебного контроля среди них, на их основе сделаны научно-теоретические выводы.

**Ключевые слова:** судебная власть, судебный контроль, надзор, закон, нормативно-правовой акт.

\* \* \*

The article presents the theoretical and legal analysis of the functions of the judiciary and the role of judicial review and place among them, made the scientific and theoretical conclusions based on them.

**Key words:** the judiciary, judicial supervision, supervision, law, legal act.

ги фикрини қувватлаган ҳолда, контроль функцияси фақат судларга тааллуқлилиги ҳақидаги фикрига кўшилиб бўлмайди. Чунки, контроль функцияси барча давлат органлари ва идораларига, уларнинг мансабдор шахсларига, шу жумладан Президент, ижро ҳокимияти, вакиллик органларига тегишли функциядир. Суд контролининг контроль фаолиятининг тури сифатида ўзига хослиги унинг суд томонидан контроль қилинадиган ижтимоий муносабатлар ошкора-ҳуқуқий тавсифга эгаллиги ва одил судловдан фарқли равишда, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти контроль қилинишида намоён бўлади.

Шу билан бирга, ушлаб туриш, қамокқа олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни амалга ошириш зарур. Бироқ, бу жараён судлар тизимининг ўзи ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан ташкилий-ҳуқуқий масалаларнинг жиддий ва пухта ишлаб чиқилишини ҳамда зарур тайёргарликни талаб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан ўзининг аниқ ифодасини топди. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан амалга киритилди. Бу институт Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қо-

нуни билан янада ривожлантирилиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш суднинг рухсати асосида амалга оширилиши белгиланди. Бундан ташқари, ушбу институт Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан ЖПКда уй қамоғи янги эҳтиёт чорасининг жорий этилиши ва у суднинг рухсати билан қўлланилиши тартибининг ўрнатилганлиги билан ўзининг ривожланишини давом эттирди. Ушбу институтнинг мамлакатимиз жиноят процессида жорий этилиши шахсининг Конституция нормалари билан кафолатланган шахсий дахлсизлик ҳуқуқи фақат суд томонидан чекланиши мумкинлигини қонуний тартиби ўрнатилишига ва амалда рўёбга чиқарилишига олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, одил судловни амалга ошириш бўғинлари ва босқичларини ислоҳ қилиш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бундан асосий мақсад суднинг мустақиллигини амалда таъминлашдир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланган. Фармонга мувофиқ 2017 йил 29 мартдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан мурдани эксгумация қи-

лиш ва почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш ваколати судларга ўтказилди.

Хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон жиноят процессида янги институт – суд контроли институти жорий қилинган. Таъкидлаш жоизки, суд контроли институти судларнинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шахснинг жиноят ишига доир ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг дастлабки тергов босқичида ҳам таъминланишига хизмат қилади. Ушбу масала кўп қиррали ва зиддиятлидир. Бу ўрин, «контрол» ва «назорат» сўзларининг луғавий моҳиятини бир-биридан фарқлаш ва атамаларни қўллашда ягона ёндашувга амал қилиш керак. Чунки, «назорат» деганда, бирор йўналишдаги ишнинг бажарилишини кузатиш, текшириш тушунилади<sup>7</sup>. Контроль эса французча *contrôle* (*contrerôle*) – икки нусхада юритилувчи рўйхат, лотинча *contra* (қарши) ва *rotulus* (ўроғлиқ қоғоз) сўзларидан олинган бўлиб, кузатиш ва текшириш маъноларини билдиради<sup>8</sup>. Юкоридаги фикрлардан келиб чиқиб, баъзи муаллифларнинг<sup>9</sup> «суд назорати» атамасини нотўғри қўллаётганларини қайд этиш мумкин.

Зеро, бизнингча, жиноят ишлари бўйича судлар тергов органларининг фаолияти, яъни дастлабки тергов жараёнини, унда амалга оширилаётган ҳаракатларни, қабул қилинаётган қарорларни назорат қилмайди, балки айнан шу ҳаракат ва қарорларнинг қонуний ва асосланган бўлишини, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ноқонуний ва асоссиз равишда чекланмаслигини таъминлаш мақсадида кузатиш ва текширишни амалга оширадilar.

Бугунги кунда суд контроли дастлабки тергов идоралари серкирра фаолиятининг бир жиҳатини қамраб олиб, судга қадар иш юритиш босқичида гумон қилинувчининг ушлаб турилиши қонунийлигини текшириш, лозим ҳолларда унинг муддатини узайтириш, ушланган гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш, бу эҳтиёт чо-

расининг муддатини узайтириш, шунингдек айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳамда ушбу масалаларни суд мажлисида кўриб чиқиб ҳал этиш каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Фикримизча, жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичларида суд ваколатларининг кенгайтирилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жинойий таъқиб ва шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокама-сига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш заруратидан келиб чиққан.

Бугунги кунда жиноят процессининг судгача иш юритув босқичлари устидан суд назоратининг мақсадларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- 1) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш, унинг муддатини узайтириш;
- 2) эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғини қўллаш, унинг муддатини узайтириш;
- 3) ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг қонуний ва асосланган равишда қўлланилганлигига баҳо бериш, унинг муддатини узайтириш;
- 4) лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш;
- 5) тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ва муддатини узайтириш;
- 6) мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат бериш;
- 7) почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат бериш.

Суд контроли процессуал шакл доирасида амалга оширилиб, дастлабки тергов идоралари томонидан қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш ёки улар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг аввалги ҳолатини тиклаш учун амалга оширилади.

Суд контроли институти жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалда ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Чунки, суд, биринчидан суриштирув ва даст-

лабки тергов органларининг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигини ва асослан-тирилганлигини текшириш имкониятига эга бўлган бўлса, иккинчидан у суриштирув ва дастлабки тергов органининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини (масалан, ушлаб туриш бўйича) бекор қила олиши мумкинлигида намоён бўлади. Суд контролини амалга ошириш орқали судлар жиноят процессининг иштирокчисига айланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашининг кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда жиноят ишларини судга қадар юритиш жараёнида суд контролини амалга оширишни ягона ваколатли шахс – «тергов судьяси»га бериш масаласини ҳал этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бундай тартибга ўтишнинг асослари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- «тергов судьяси» ишни судда кўриб чиқишда иштирок этмайди, яъни одил судловни амалга оширмайди;

- судга қадар иш юритуви жараёнида инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга фақат рухсат беради (масалан, қамокқа олишга) ва бундай масалаларни тергов судьяси шахсан ўзи ҳал этади;

- жиноят процессининг мустақил ишти-

рокчиси сифатида дастлабки терговнинг сифати, яъни суриштирув, дастлабки тергов органлари ва прокурорлар фаолиятининг натижаларига боғланмайди;

- жиноятларни очилиши кўрсаткичлари учун курашмайди;

- шахснинг асосий конституциявий ҳуқуқларини чеклаш масаласини ҳал этиш аниқ процессуал тартиб асосида тарафларнинг тортишувига таяниб амалга оширилади;

- суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги тўғрисидаги шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга имконият яратади;

- судда масалани кўришда манфаатдор томонларнинг иштирок этиши, албатта, инсон ҳуқуқларини бузилиши ҳолатларига қатъиян чек қўйилишига хизмат қилади, бу эса судга қадар иш юритувида инсон ҳуқуқларига рия қилишнинг яна бир кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Д. МИРАЗОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий гвардияси Ҳарбий-техник**  
**инститuti кафедра бошлиғи,**  
**юримдик фанлар доктори,**  
**профессор**

<sup>1</sup> Иноғомжоновна З. Ф. *Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф.* – Т., 2007. – 47 б.; Мухитдинова Ф. Ф. *Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук.* – Т., 2012. – С.47; Умарова Ш. О. *Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятининг ўрни: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф.* – Т., 2005. – 28 б.; Эгамбердиев А. У. *Судебная власть: уголовно-процессуальные аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук.* – Т., 2011. – С.27; Шодиев Ф. М. *Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф.* – Т., 2005. – 25-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджикхановнинг умумий таҳририда.* – Т., 2001. – 407-б.

<sup>3</sup> Умарова Ш. О. *Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятининг ўрни: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф.* – Т., 2005. – 3-б.

<sup>4</sup> Қаранг: Қурбонов А. *Суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда // Давлат ва жамият демократик янгила-ниш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари.* – Т., 2002. – 169–170-б.

<sup>5</sup> Иноғомжоновна З. Ф. *Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. автореф.* – Т., 2007. – Б.5–6.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

<sup>7</sup> *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Т.3.* – Т., 2009. – 11-12-б.

<sup>8</sup> *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Т.2.* – Т., 2009. – 403-б.

<sup>9</sup> Масалан, қаранг: Раҳмонова С. *Суд назорати: у жиноят процессида қандай ўрин тутуди? // Ҳаёт ва қонун. 2005., №4.* – 38-б.



## ТАРИХИЙ ФАРМОН

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар, шиддатли, изчил ва кенг қамровли ислохотлар замирида битта инсонпарвар ғоя ётади. Бу – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш орқали адолатни қарор топтиришдир. Ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти шароитида адолатни қарор топтиришда суд идоралари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, Давлатимиз раҳбари судни «Адолат кўрғони»га айлантиришимиз лозимлигини ҳамда Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустақкам устунлари бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Сўнги уч-тўрт йил ичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судьялар фаолиятига аралашини қатъий тақиқлаш, суд амалиётидаги баъзи бир хато ва камчиликларни тузатиш билан боғлиқ кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан 10 дан ортиқ қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Лекин, суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатаптики, ҳозир ҳам суд ҳимоясини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқлар ёки баъзи бир камчиликлар бор. Мана шу камчиликлар оқибатида судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани ёки иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган кўплаб ишларнинг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги фуқароларда суд тизимига нисбатан ишончсизликни

келтириб чиқармоқда.

2020 йил 24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги тарихий Фармон айнан суд амалиётидаги мана шундай камчиликларнинг баргараф этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Зотан, биринчидан, суд тизимида собиқ тоталитар тузумдан эскилик сарқити бўлиб келаётган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган назорат тартибида ишларни кўриш амалиётидан тўлиқ воз кечилади. Таъкидлаш керакки, бу суд амалиётидаги ҳар қандай ишларни назорат тартибида кўриб, янгидан қарор чиқариб, қуйи судларнинг қарорини бекор қилиш орқали уларга таъсир кўрсатишдек номақбул амалиётдан тўлиқ воз кечилишига олиб келади. Ушбу тартиб халқаро ҳамжамият томонидан суд тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга принцип сифатида қараладиган судьялар мустақиллигини таъминлаш имконини беради. Судьяларга холис, қонуний ва адолатли қарор қабул қилишда ҳеч қандай босим ўтказишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, фуқароларнинг овора бўлишига, судларда иш ҳажмининг асоссиз ва мақсадсиз ортишига, энг ёмон томони коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишининг олдини олади.

Айни пайтдаги ривожланган демократик давлатлар суд тизимидаги тенденция ишларнинг юқори инстанцияларда бир неча

бор кўрилишига йўл қўймасдан, суд қарорини бир марта қайта кўриш билан унга нуқта қўйишга қаратилган. Кўпчилик давлатлар тажрибасида, хусусан англо-саксон ҳуқуқ тизимида, романо-герман суд ҳуқуқида, колаверса МДХ мамлакатларида ҳам апелляция ва кассация тартибида ишларни кўриб чиқиш амалиёти кенг татбиқ этилган.

Иккинчидан, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлишларининг олдини олиш мақсадида ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали «бир суд – бир инстанция» тамойили жорий этилиб, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш белгиланмоқда. Тасаввур қилинг, айна пайтгача давом этиб келаётган амалиёт, яъни бир суднинг ўзида биринчи инстанцияда кўрилган ишлар шу суднинг ўзида кейинги инстанция сифатида яна такроран кўрилишида ҳеч бир мантиқ йўқ эди. Шу ўринда қуйидаги статистик маълумотларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: вилоят судлари 3 та (биринчи, апелляция ва кассация) инстанцияда ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Биргина 2019 йилнинг ўзида айна бир вилоят судида биринчи ва апелляция (кассация) инстанциясида кўрилган ишларнинг 13 мингга яқини Олий судда ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Учинчидан, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя

этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш назарда тутилмоқда.

Дастлабки эшитув самарали суд назоратини ўрнатишни англатади. Гап шундаки, бу суд процессида энг муҳим аҳамият касб этадиган институтлардан бири – тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш имконияти яратилади. Очигини эътироф этиш керак, амалиётда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти билан боғлиқ жиддий муаммо ва камчиликлар ҳам бор. Шунинг учун 2020 йил 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд-тергов тизимини замон талаблари асосида такомиллаштиришга қаратилган «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш белгиланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани, танқидий таҳлил қилинди.

Иқтисодий судлар амалиётида инвестициявий низоларнинг кўриб чиқилишида ҳам айрим мураккаб масалалар бор. Шундан келиб чиқиб, Фармонда Олий суд тузилмасида йирик инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби тузилиши белгиланиб, унинг зиммасига йирик инвесторларнинг (20 млн. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилди.

Фармонга мувофиқ, йирик инвесторлар ўз хоҳишига кўра бевосита инвестициявий таркибга ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш, бошқа инвесторлар эса ўз хоҳишига кўра бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида бир қатор таркибий тузилма (лавозим)лар киритилиши назарда тутилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида:

Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинладиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими;

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматларини ташкил этиш белгилаб қўйилди.

Шу ўринда, Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасининг ташкил этилиши аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Сабаби, юқорида айтиб ўтилган суд амалиётидаги хато ва камчиликлар тўғридан-тўғри шу соҳадаги қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар туфайли вужудга келган. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, ушбу бошқармани ташкил этиш ҳаётий заруриятга айланган эди.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасининг, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматларининг ташкил этилиши ҳам судьялар фаолиятининг очиклигини, шаффофлигини таъминлайди ҳамда кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради.

Хулоса қилиб айтганда, «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон суд амалиётидаги муаммоларни баргараф этиш орқали мамлакатимизда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга мустаҳкам замин яратади.

**И. ТОЛИБОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судьялар олий кенгаши**  
**ҳузуридаги Судьялар олий**  
**мактаби етакчи мутахассиси,**  
**юримдик фанлар номзоди**

## ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Жамият ҳаётининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Судлар фаолияти ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Бунинг натижасида тадбиркорлар, қолаверса фуқаролар ҳам ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга бемалол мурожаат қила олапти. Қолаверса, ушбу янгиликлар одил судловга эришишда ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича таклифларни Президент Администрациясига киритиш вазифаси қўйилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ана шу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди. Унга кўра, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига судлар томонидан кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турлари янада кенгайтирилади. Ҳар бир фуқаро ўз мурожаатини кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бора олади. Суд биноларида интерактив хизматларидан эркин фойдаланиш имконияти яратилади.

Қарорда таъкидланганидек, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро

интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда эди. Шунинг учун судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Шуни алоҳида қайд этишни истардикки, Қарорга мувофиқ, келгусида суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имконияти кенгайтирилади. Шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш мумкин бўлади. Айти пайтда суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш ҳам назарда тутилган.

Ушбу Қарор билан 2020–2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури ҳам тасдиқланган. Дастурга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб борилади.

2021 йил 1 октябрдан эътиборан барча иштирокчилар суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул хабардор қилинади. 2022 йил 1 январдан эса, суд қарорлари иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этилади. 2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва

тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Қарор ва Дастурда суд органлари фаолиятини рақамлаштиришга оид яна бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Дастурда ҳар бир тадбирнинг амалга ошириш шакли, бажариш муддати, баҳоланган қиймати, молиялаштириш манбаи, масъул ташкилотлар аниқ белгилаб берилган. Қолаверса, Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «Йўл харитаси» ҳам қабул қилинган. Бу эса Қарорнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлайди.

«Йўл харитаси»да 28 та давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш кўзда тутилган. Унга кўра, судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотлар электрон шаклда юборилади. Муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олинади.

Шунингдек, кўчмас мулкни ва автомобил-транспорт воситаларини бошқа шахсга беришга тақиқ қўйиш, мол-мулкни хатлаш, шунингдек тақиқни (хатловни) бекор қилиш ҳақидаги маълумотларни суд (судья) томонидан тўғридан-тўғри «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимига кириши механизми жорий этилади. Олий суд ва Давлат хизматлари агентлигининг ахборот тизимлари ўртасида жисмоний шахсларнинг туғилганлиги, тузилган никоҳлари, никоҳдан ажратилганлиги, ўлими тўғрисида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилади. «Йўл харитаси»да белгиланган тадбирлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Сир эмаски, тизимни рақамлаштириш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш соҳа вакилларининг бу борадаги саводхонлиги ва малакасига ҳам боғлиқ. Шу боис, Қарорда Олий суд раиси ва Судьялар олий кенгаши раиси олдига Олий суд Пленуми-

нинг навбатдан ташқари йиғилишида ҳамда халқаро анжуманларда суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этиладиган ахборот тизимларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдаги аҳамиятини муҳокама қилиш, шунингдек судьялар ва судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш чораларини кўриш вазифаси қўйилган.

Шу ўринда Қарорда белгиланган яна бир муҳим вазифа хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни истардик. Ҳужжатнинг 6-бандида Олий суд 2020 йил якунига қадар суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобиль дастурни ишлаб чиқиши ва уни амалиётга жорий этиши, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиши имконини берувчи ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўриши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» Давлат дастурида турли соҳаларни рақамлаштириш борасида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Президентимизнинг мазкур Қарори Давлат дастурининг суд тизимида жорий этилишини таъминлаши билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу, ҳаётбахш ғоянинг амалга оширилишига ёрдам беради. Қолаверса, Қарор судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

**Л. МАМАРАЖАБОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича**  
**Чирокчи туман суди раиси**

## СУД МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ОМИЛ

Жорий йилнинг 30 июнь куни ўтказилган видеоселекторда Президентимиз «Суд биносига келган ҳар бир одам адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу – Президент талаби!» деб, қатъий таъкидлади.

Президентимизнинг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 июлдаги ПФ–6034-сонли Фармони сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини янада ошириш бўйича муҳим қадам бўлди.

Зотан, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этган эди.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди.

Ҳар бир вилоят судида 4 нафардан 15 нафаргача судьялар фаолият юритаётганлиги ва вилоят судларида судьялар сонининг камлиги 20 мингдан ортиқ ишларнинг бир вилоятдан иккинчисига олиб берилишига, фуқаро-

ларнинг ортиқча сарсонгарчилигига сабаб бўлган эди.

Биргина Навоий вилоят иқтисодий судида республикаимизнинг айрим вилоят иқтисодий судларида судьялар таркибида кворум бўлмаганлиги сабабли 2019 йил давомида жами 162 та бошқа иқтисодий судлардан келиб тушган ишлар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган.

Эндиликда янги ташкил этилаётган умумюрисдикция судларида 19 нафардан 47 нафаргача судья ишлаши сабабли бундай муаммолар барҳам топади. Ишларни суд таркибида кворум бўлмаганлиги сабабли бошқа судларга юборилиши, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ортиқча сарсонгарчиликларининг олди олинади.

Шунингдек, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда Фармон билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш ҳамда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш белгиланди.

Суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш, шунингдек туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбе-

кистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш; апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланди.

Бу тартибга кўра, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан туманлараро, туман (шаҳар) судларида биринчи инстанцияда кўрилган ишлар бўйича чиқарилган қарорлар фақат апелляция тартибида кўриб чиқилади, шундан сўнггина ушбу қарорлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқилади.

Прокуратура органларининг ваколатларига ҳам муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш ҳамда қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш тартиби жорий этилмоқда.

Шу вақтга қадар прокуратура органлари томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни турли сабаблар билан суддан чақириб олиб ўрганиш амалиёти мавжуд бўлиб, бу биринчидан, тарафларнинг эҳтиёжидан келиб чиқмаган бўлса, иккинчидан, бундай ваколат ишда тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган адвокатларда мавжуд эмаслиги сабабли, прокурор ваколатини адвокатларга нисбатан устунроқ мавқега олиб чиқарди.

Ушбу ўзгариш эса адолатни таъминлаш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Фармонда инвесторлар ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида инвес-

тициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини тузиш, судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколатини бериш белгиланди.

Эндиликда инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши, қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Илгари бундай низолар туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилиб келинар эди. Маълумки, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларида биринчи маротаба судьялик лавозимига тайинланган судьялар фаолият кўрсатади. Бу эса, бундай мураккаб низоларни кўришда, уларнинг тажрибаси камлиги ёки иш ҳолатларига чуқур кира олмаганлиги натижасида айрим ишлар бўйича суд қарорларининг бекор бўлишига, пировард натижада ишда иштирок этган инвесторлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда қийинчиликлар зага келишига, уларнинг ортиқча сарсон бўлишига олиб келар эди.

Бундан кўринадики, инвестициявий низолар ўзининг табиатига кўра, мураккаб тоифадаги ишлар бўлгани сабабли, уларни ҳал этишда кўпроқ билим ва тажриба талаб қилинади.

Умуман олганда, мазкур Фармон одил судлов самарадорлигини ошириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

**Ш. ХАМИДОВ,**  
**Навбахор туманлараро**  
**иқтисодий суди судьяси**

## ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг босқичма-босқич татбиқ этилиши судларда иш юритишни янада такомиллаштирмоқда.

Судларда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш учун улар ўртасида маълумот алмашишнинг ягона корпоратив алоқа тармоғи яратилди, ҳар бир судда маълумотларни электрон алмашишнинг ички тармоғи жорий қилинди, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш марказлаштирилди.

Ишларни судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлаш, суд мажлисини видео-конференцалоқа режимида ўтказиш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини мажбурий ижрога электрон шаклда юбориш амалиёти жорий этилди, шунингдек давлат божи ва бошқа йиғимлар ҳисобини юритишнинг ягона электрон тўлов тизими ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун Интерактив хизматлар портали ишга туширилди.

Статистик таҳлилларга мурожаат этадиган бўлсак, айни кунга қадар 1 971 470 та иш судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланган, 200 та суд залига видео-конференцалоқа ускуналари ўрнатилиб, 21 544 та суд мажлиси ушбу восита ёрдамида ўтказилган, 45 393 нафар иштирок-

чининг 14,4 млрд. сўм маблағи тежалган, 1 082 287 та суд қарори расмий веб-сайтда эълон қилинган, 1 152 686 та ижро ҳужжати мажбурий ижрога электрон шаклда юборилган, биллинг тизими орқали 5,1 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Мазкур Қарор судлар фаолиятида замонавий технологияларни янада кенг жорий этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қарорда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш вазифаси қўйилган бўлиб, мазкур янгиликлар фуқароларнинг кўрсатиладиган хизматлардан очиқ ва эр-



кин фойдаланиши, материаллар билан та-нишиши, судга мурожаат қилиши ва му-рожаатлар тақдиридан онлайн хабардор бўлишини таъминлайди.

Судларнинг ахборот тизими аксарият вазирлик ва идоралар билан ўзаро инте-грация қилинмаганлиги ва бунинг оқибат-ида маълумотлар олишда қийинчиликлар юзага келаётгани, ишларни қонунда бел-гиланган муддатларда кўриб чиқилиши таъминланмаслиги, тарафларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Ҳозирда эса вазирликлар ва идоралар билан электрон маълумотлар алмашину-вини янада кенгайтириш, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг Виртуал қа-булхонаси, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхона-лари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирда судлар фаолиятига «E-XSUD», «E-SUD», «E-KADR» каби бир нечта ах-борот тизимлари ҳамда Интерактив хиз-матлар портали жорий этилган. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдалан-ган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд маж-лислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса «Адолат» ах-борот тизимлари комплексини жорий қи-лиш орқали давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органла-ри, адвокатлар томонидан судларга даъ-во, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, суд мажлисларида ма-софадан туриб, жумладан мобиль қурил-малар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа

шакллари орқали иштирок этиш имкония-ти кенгайтирилади, тарафлар учун суд қа-рорларини онлайн тарзда олиш имконияти тўлиқ яратилади.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчилар суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул хабардор қилиниши ҳам назарда тутилган. Бу барча суд процесси иштирокчиларининг ўз иш вақтини тўғри тақсимлашига, суд муҳокамаларига пухта тайёргарлик кўри-шига замин яратади.

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишлар-ни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишлари-ни давлат архивига электрон шаклда топ-шириш ва қабул қилишни назарда тутувчи 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти орган-лари фаолиятини рақамлаштириш дастури ҳам тасдиқланди.

Суднинг ахборот тизимлари, маъ-лумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсиз-лигини таъминлаш, хизмат ахборотла-ри ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш орқали суд ҳамда судга мурожаат қилув-чилар тўғрисидаги маълумотлар ҳимоя қилинади. Суднинг иш юритувида бўл-ган, ошкор қилиниши мумкин бўлмаган ишлар тўғрисида маълумотлар ошкор бў-лишининг олди олинади.

**С. СОЛИЕВ,**  
**Тошкент туманлараро**  
**иқтисодий суди раиси**

## СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ

Судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш имконини кенгайтирмоқда ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминламоқда.

Суд тизимида амалга оширилиши керак бўлган муҳим ислохотлардан яна бири – низоларни онлайн ҳал қилиш тизимини йўлга қўйиш билан боғлиқдир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобиль курилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг муҳим босқичларидан бири этиб белгиланган.

Низоларни онлайн ҳал қилиш кўплаб Ғарб давлатларида аллақачон муваффақиятли ташкил этилган.

Хусусан, Буюк Британия судларида даъво миқдори 10 000 фунт стерлингдан юқори бўлмаган, кам аҳамиятли иқтисодий ва фуқаролик ишлари онлайн-суд платформасида ҳал этилади.

Мазкур платформа уч босқичли ишлаш тизимига эга бўлиб, *биринчи босқич* «онлайн баҳолаш тизими» деб номланади. Ушбу босқич фойдаланувчиларга низонинг тури, асоси ва предметини аниқлашти-

ришда, судга мурожаат қилувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришда ёрдам беради.

*Иккинчи босқич* – «онлайн кўмаклашув» босқичида суднинг алоҳида ходими – «онлайн маслаҳатчиси» судьянинг иштирокисиз тарафлар билан мулоқот қилиб, низони ҳал этишнинг муқобил усуллари бор-йўқлигини текширади. Шуниси эътиборлики, мазкур «онлайн маслаҳатчи» бир вақтнинг ўзида медиаторлик вазифасини ҳам бажаради. Мазкур босқичнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда «онлайн маслаҳатчи» низони судьянинг иштирокисиз ҳал қилади. Низо мазкур босқичда ҳал этилса, унда тўланадиган давлат божи миқдори низони судья томонидан ҳал қилиш учун тўланадиган давлат божи миқдоридан сезиларли даражада фарқ қилади, албатта.

*Учинчи босқич* – «онлайн судья» босқичида тарафлар низони ўзаро келишув йўли билан ҳал қила олишмаса, низони ҳал қилишга судья жалб этилади. Мазкур судьянинг қабул қилган қарори одатий турдаги қарорлар билан бир хил кучга эга бўлса-да, ишни кўриш учун тўланадиган давлат божи миқдори кам бўлади.

Ушбу тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, суд бир вақтнинг ўзида низони муқобил йўллар билан ҳал қилувчи медиатор вазифасини ҳам бажаради.

Сўнгги йилларда судга мурожаат қилувчиларга (қатнашувчиларга) қулайликлар яратиш борасида кўпгина ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, судга электрон тарзда мурожаат қилиш, мурожаат ҳолатини онлайн кузатиб бориш, суд ҳужжатларини электрон тарзда қабул қилиш ва

суд мажлисларига видеоконференцалока хизмати орқали қатнашиш каби интерактив хизматларининг жорий этилиши суд тизимининг кундан-кунга шаффофлашиб бораётганлигининг далолатидир. Бироқ, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларини ўрганадиган бўлсак, тизимни ривожлантириш учун янада кучлироқ ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Бунинг учун эса, миллий суд тизимимизга кам аҳамиятли низоларни онлайн тарзда ҳал этиш усулини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада низолар тез ва қулай усулда ҳал этилади. Мисол учун, ҳозирги анъанавий иқтисодий судларимизда низони мазмунан кўриб чиқиш учун ўрта ҳисобда бир ой муддат талаб этилади. Шунингдек, ушбу судларга келиб тушадиган даъволарнинг аксарият қисмини олди-сотди ва маҳсулот етказиб бериш шартномалари билан боғлиқ бўлган низолар ташкил этади. Одатда, ушбу низоларни ҳал этишда талаб этилган ҳужжатлар (шартнома, ҳисоб-фактура, солиштирма далолатномалар) тақдим этилса, низо қисқа муддатларда ҳал этилиши мумкин.

Фикримизча, агар шунга ўхшаш мураккаб бўлмаган низоларни онлайн суд тизими орқали ҳал этиш йўлга қўйилса, ишни кўриш муддатлари янада қисқариб, судга мурожаат қилувчилар учун қўшимча қулайлик яратилган бўларди. Натижада фуқароларнинг судга мурожаати кўпайиб, низолар тез ва осон ҳал этилади. Ўз-ўзидан жамиятда суд ҳокимиятининг нуфузи ҳам ортади.

Шунингдек, тарафларнинг суд биносига вақт сарфлаб келиб-кетиши ва навбатда соатлаб кутиб туришига ҳам чек қўйилади. Тарафлар белгиланган вақтда ўзларига қулай бўлган жойдан суд муҳокамасида онлайн тарзда иштирок этиши мумкин бўлади. Ҳозирги рақамли иқтисодиёт ва технологиялар даврида макон тушунчаси асосий роль ўйнамайди. Балки, бажарила-

диган хизматларнинг сифати ва муддати муҳимроқдир. Шу сабабли суд тизимида онлайн хизматларни кенг жорий қилиш ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир.

Ҳозирда низоларни мустақил тарзда ҳал қилувчи юридик фирмалар ҳам ташкил этилган бўлиб, улар томонидан яратилган сайтларда низолар жуда тез ва қулай усулларда ҳал этилмоқда. Қуйида уларнинг айримлари бўйича маълумотларни келтираемиз.

**e.Bay – [www.ebay.com](http://www.ebay.com).** Ушбу сайт Европа давлатларида онлайн савдо-сотик билан шуғулланиб, ҳар йили 60 млн.дан ортик савдо-сотик билан боғлиқ низоларни ҳал қилади. Унда низо даставвал ўзаро келишув йўли билан ҳал этилиши учун тарафларга барча тушунмовчиликларни ҳал этишда ёрдам кўрсатилиб, агар низо мазкур босқичда ҳал этилмаса, унда компаниянинг маҳсулоти ходими 10 иш куни ичида низони тўлиқ онлайн тарзда ҳал қилиб беради.

**Modria – [www.modria.com](http://www.modria.com).** Бу сайт АҚШда турли хилдаги фуқаролик ва иқтисодий муносабатларга оид низоларни ҳал этишда оммалашиб бормоқда. Чунки, мазкур сайт фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратиб, низони ўзлари истаган жойда тез ва арзон тарзда ҳал қилишга ёрдам бермоқда. Натижада кам аҳамиятли низоларни ҳал этишда судларга бўлган эҳтиёж камайиб, судлар низони ҳал қилувчи охириги босқич сифатида қўлланилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, судлар ҳам ҳозирги замон талабларига, аynикса, мураккаб пандемия шароитларига мос равишда ўзгариб, фуқаролар учун мурожаат қилишда қулай ва оммабоп бўлган усулларни таклиф қилиши ва Интернет тармоғидаги кенг имкониятлардан фойдаланиши лозим.

**И. САИДОВ,**  
Бухоро туманлараро  
иқтисодий суди  
судья ёрдамчиси

## СУДЛАРДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Давлат-ҳуқуқий институтларидан бири бўлган прокуратура дунёнинг деярли барча мамлакатларида мавжуд.

Аксарият мамлакатларда прокуратура ваколатларига жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқарида бўлган бошқа ваколатлар, жумладан фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий суд жараёнларидаги иштирок ҳам киритилган.

Прокурорнинг қайд этилган судлардаги иштироки қандай талабларга жавоб бериши керак? Унинг (прокурорнинг) ушбу судлардаги процессуал ваколатлари нималардан иборат бўлиши керак?

Прокурорнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги иштироки билан боғлиқ бўлган халқаро стандартларни ўрганиш, бу борадаги принципларнинг миллий қонунчилигимизнинг тегишли нормалари билан қиёсий таҳлилини ўтказиш мазкур саволларга жавоб топиш имконини беради.

Халқаро стандартлар универсал ва минтакавий турларга бўлинади. Универсал халқаро стандартлар, бутун дунёда тан олинган (масалан, БМТ томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар) нормалардир. Минтакавий стандартлар эса, муайян ҳудуд билан чегараланган (масалан, Европа Кенгаши ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Маълумки, Европа Кенгашининг аҳамиятли ютуқларидан бири сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг қабул қилинганлиги эътироф этилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси 1953 йилнинг 3 сентябрида кучга кирган бўлиб, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаган ҳолда Конвенцияни ратификация қилган давлатлардан ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимоясини таъминлашни талаб қилади.

Ушбу Конвенциянинг инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа шартномалардан фарқи (Америка давлатларининг ташкилоти, Африка иттифоқи) шундаки, унда эълон қилинган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг аниқ механизми бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ташкил этилгандир.

Европа прокурорларининг маслаҳат Кенгаши эса (КСЕП) Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 2005 йил 13 июлда прокуратурага оид масалалар бўйича хулосалар тайёрлаш мақсадида тузилган.

Маслаҳатчи орган бўлиб ҳисобланган Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси (ПАСЕ) ўзининг 1604-сонли «Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида»ги Тавсиясида прокуратурада фақат жиноий-ҳуқуқий соҳага хос ваколатлар сақланиб қолиши хусусида тавсия берган эди<sup>1</sup>.

Бирок, раҳбарий орган Европа Кенгашининг Вазирлар Қўмитаси ўзининг 2004 йил 4 февралдаги қарори билан мазкур Тавсияни тасдиқлашни рад этган. Ўзининг ушбу қарорини Вазирлар Қўмитаси турли давлатларда прокуратура тузилиши ва фаолиятининг турли шакллари мавжудлиги, бу эса ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий анъаналари билан боғлиқлиги, прокурорлар томонидан жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқарида бўлган функцияларни тўхтатишни тавсия қилиш учун асос топилмаганлиги билан изоҳлаган<sup>2</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг маслаҳат органи ҳисобланган ва 1990 йилда ташкил этилган Венеция комиссияси ўзининг 2005 йил июнда ўтказилган 63-ялпи мажлисида турли давлатларнинг тарихий ва маданий анъаналаридан келиб чиқиб, прокуратура органларининг жиноий-ҳуқуқий соҳа-

сидан ташқаридаги ваколатларини таъминлашнинг қуйидаги принципларини белгилаб берган:

– прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд соҳасидаги ваколатлари давлатнинг тарихий ва маданий анъаналари, иқтисодий сабаблар ҳамда самарадорлик нуқтаи назаридан зарур бўлганда;

– прокуратура органларининг мақсад ва вазифаларини бошқа усуллар ёрдамида таъминлаб бўлмаса, прокурор фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд иштирокчиси бўлиши мумкин, бироқ бунда ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурор суд процессида «доминант» бўлиши мумкин эмас;

– прокурор қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессида даъво кўзғатиш, бошланган суд процессига кириб келиш,

ҳуқуқий ҳимоя чораларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим;

– прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессларидаги иштироки тан олинган асосли мақсад билан боғлиқ бўлиши зарур;

– прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессларидаги иштироки қонунчилик билан белгиланган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиши лозим;

– прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессларидаги иштироки давлат манфаатларидан ташқари, оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиши ҳам керак;

– прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессларидаги иштироки аҳоли алоҳида қатламларининг ҳуқуқ ва қо-

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларда прокурор ваколатларини таъминлашнинг процессуал жиҳатлари хусусида фикр юритилиб, миллий қонунчилигимизнинг қайд этилган судлардаги прокурор иштирокига оид нормалари халқаро стандартлар билан қиёсий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** халқаро стандартлар, прокурорнинг суддаги иштироки, суд процессида тарафлар тенглиги, прокурор даъвоси, прокурор даъвосига нисбатан манфаатлари кўзланаётган шахснинг муносабати.

\* \* \*

В статье приведены суждения относительно процессуальных особенностей обеспечения полномочий прокурора в гражданских, экономических и административных судах, проведен сравнительный анализ норм национального законодательства с международными стандартами об участии прокурора в указанных судах.

**Ключевые слова:** международные стандарты, участие прокурора в суде, равноправие сторон в судебном процессе, исковое заявление прокурора, отношение заинтересованного лица к исковому заявлению прокурора.

\* \* \*

This article discusses the procedural aspects of ensuring the powers of prosecutors in civil, economic and administrative courts, and provides a comparative analysis of the norms of our national legislation on the participation of prosecutors in these courts with international standards.

**Key words:** international standards, the participation of the prosecutor in court, the equality of parties in the trial, the statement of claim of the prosecutor, the attitude of the person concerned to the statement of claim of the prosecutor.

нуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиши даркор;

– прокурор тарафлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши лозим, прокурор ҳар қандай ҳолда ҳам судда процессуал қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлмаслиги, бундай қарорлар фақат суд томонидан қабул қилиниши керак;

– прокурор ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахсларнинг процессуал ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин эмас ва ҳоказо<sup>3</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг Вазирлар Қўмитаси томонидан 2012 йилнинг 19 сентябрида «Прокурорларнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги роли тўғрисида»ги Тавсиялар қабул қилинган<sup>4</sup>.

Ушбу Тавсияларга кўра, Вазирлар Қўмитаси томонидан прокуратура органлари жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги ваколатларга эга бўлган давлатларда прокуратуранинг ушбу йўналишдаги фаолияти инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилган ҳолда амалга оширилиши ва бунда қуйидаги принциплар инobatга олинishi лозим:

– прокурор иштирокида кўрилатган ёки кўрилиши белгиланган ишларда унинг ваколатлари ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларнинг судда процессуал ҳаракатлар кўзғатиш билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклашга олиб келмаслиги;

– прокурорнинг судда иш кўзғатиш ёки судда иштирок этиш ваколатлари суд процесси тарафларининг тенг ҳуқуқлилиқ принцигига таҳдид солмаслиги;

– прокурорнинг низо предметига доир далилларни яширишига йўл қўйилмаслиги;

– судга қадар текширишни ўтказиш ваколатлари қонун билан белгиланган бўлиши ва уларнинг натижалари прокуратурага асоссиз равишда имтиёз бермаслиги;

– шахс манфаатларида прокурор иштирок этган ишларда манфаатлари кўзланаётган шахснинг муҳокамада иштирок этиш ҳуқуқининг мавжудлиги;

– прокурорнинг суд қарорларига муносабат билдириш ва шу тарзда юқори турувчи

суд инстанцияларида ишнинг қайта кўрилишига эришиш ҳуқуқи суд қарорига муносабат билдириш муддатлари инobatга олинган ҳолда процесснинг бошқа тарафларига шу масалада берилган ҳуқуқлардан фарқланмаслиги;

– суд процесси тарафлари прокурорнинг ишга кириш ҳақидаги қарори ҳақида прокурор ёки суд томонидан огоҳлантирилган бўлиши;

– агар прокурор суд жараёнига қадар ёзма ҳужжат тақдим этса, бу ҳужжат уни ўрганиш учун етарли бўлган муддат ичида тарафларга тақдим этилиши, акс ҳолда, иш кўрилишининг кейинга қолдирилиши;

– процесс тарафларида прокурор ҳужжати нисбатан эътирозлар билдириш имкониятининг мавжудлиги;

– прокурор суд қарори қабул қилиш жараёнида иштирок этмаслиги.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги ишларнинг кўрилишида прокурорнинг роли ҳақидаги суд амалиётини ўрганиш натижаларига бағишланган ҳужжатда қайд этилишича, суд иштирокчи – давлатларнинг прокурорлари жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги йўналишлар бўйича ваколатларга эга бўлган ҳолларини қонун бузилиши деб эътироф этмайди. Европа суди жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқари бошқа йўналишларда прокурорлар иштирок этган ишларни кўриш жараёнида Конвенциянинг ҳуқуқ устуворлиги ва нормалари талабларини қўллаган<sup>5</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг 13-моддасига мувофиқ, мазкур Конвенцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахс давлат органларида самарали ҳуқуқий ҳимояланиш ҳуқуқига эга<sup>6</sup>.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, миллий қонунчилигимизда, чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК), Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК) ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида (МСИЮТК) белгилаб қўйилган прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар юқорида келтириб ўтилган халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг «Прокурорларнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги роли тўғрисида»ги Тавсияларининг 10-бандида прокурор иштирокида кўрилатган ёки кўрилиши белгиланган ишларда унинг ваколатлари ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларнинг судда процессуал ҳаракатлар қўзғатиш билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклашга олиб келмаслиги ҳақидаги қоида мавжуд.

Тавсияларнинг 15-бандида эса, келтирилган шахс манфаатларида прокурор иштирок этган ишларда манфаатлари кўзланаётган шахснинг муҳокамада иштирок этиш ҳуқуқининг чекланилмаслиги белгилаб қўйилган.

ФПКнинг 50-моддасига мувофиқ, муайян ҳолатларда, агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

ИПКнинг 49-моддасига асосан прокурор иқтисодий судга фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилиши мумкин.

МСИЮТК 46-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ прокурор фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шу тариқа бу ҳар уч процессуал қонунчилик прокурорнинг фуқаролар ҳамда юридик шахслар манфаатларида судларда даъво қўзғатиш ҳуқуқини белгилаб берган, прокурорнинг ушбу ҳуқуқини манфаатлари кўзланаётган шахсларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ қилиб қўйган.

Чунончи, ФПК 51-моддасининг учинчи қисмига кўра, агар даъвогар (манфаатлари кўзланаётган шахс) рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки

предметини ўзгартиришга, қўшимча талаблар билдиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёхуд камайтиришга ҳақли эмас.

Шу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар даъвогар (манфаатлари кўзланаётган шахс) прокурор томонидан арз қилинган талабни қўллаб-қувватламаса ва бу учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмаса, суд даъвони (аризани) кўрмасдан қолдиради.

Прокурорнинг бошқа шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун тақдим этган ўз даъвосидан (аризасидан) воз кечиши ушбу шахсни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

ИПК 49-моддасининг еттинчи ва саккизинчи қисмлари, МСИЮТК 46-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларида ҳам айнан шу мазмундаги қоидалар белгиланган.

Давлат вакили бўлган прокурорнинг манфаатлари кўзланаётган шахсларнинг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлган бундай ҳолатни давлатнинг хусусий-ҳуқуқий муносабатларга аралашуви чекланганлиги билан асослаш мумкин.

Бу эса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси Тавсияларининг 10 ҳамда 15-бандларига мос келади.

Мазкур Тавсияларнинг 12-бандида прокурорнинг судда иш қўзғатиш ёки судда иштирок этиш ваколатлари суд процесси тарафларининг тенг ҳуқуқлилиқ принципига таҳдид солмаслиги ҳақида қоида мавжуд.

ФПКнинг 39-моддаси, ИПКнинг 41-моддаси ҳамда МСИЮТКнинг 38-моддаси фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларда даъвогарлар, аризачилар, жавобгарлар, учинчи шахслар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар қаторида прокурорни ҳам ишда иштирок этувчи шахслар қаторига киритган.

Ўз навбатида, ФПКнинг 40-моддаси, ИПКнинг 42-моддаси ҳамда МСИЮТКнинг 39-моддаси ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган бўлиб, бу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг доираси айнан бир хил.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кен-

гаши Вазирлар Қўмитаси Тавсияларининг 13-бандига мувофиқ прокурор низо предметига доир далилларни яширишга йўл кўймаслиги даркор.

ФПКнинг 189-моддаси, ИПКнинг 149-моддаси ҳамда МСИЮтКнинг 128-моддаси талабларига биноан, судга даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилаётган прокурор ўз даъво аризасида (аризада) ўзининг талабларини, ўз талабларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатларни ва уларни тасдиқловчи далилларни келтириши шарт.

ФПКнинг 190-моддаси талабларига кўра, даъво аризаси жавобгарларнинг сонига мутаносиб равишда кўчирма нусхалари билан бирга судга берилади.

ИПКнинг 150-моддаси ва МСИЮтКнинг 129-моддаси талабларига кўра, даъвогар (аризачи) даъво (ариза) тақдим этганда жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг (аризанинг) ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини юбориши шарт.

ФПКнинг 191-моддаси, ИПКнинг 151-моддаси ва МСИЮтКнинг 130-моддаси талабларига мувофиқ даъво аризасига (аризага) илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар қаторида арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи маълумотлар (далиллар) ҳам илова этилиши лозим.

Шундай қилиб, судга даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилаётган прокурор халқаро стандартларда белгиланганидек, низога доир бўлган далилларни судга даъво киритгунига қадар жавобгар ва учинчи шахсларга ошкор қилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси Тавсияларининг 14-бандига мувофиқ прокурорнинг судга қадар текширишни ўтказиш ваколатлари қонун билан

белгиланган бўлиши ва бу текширишнинг натижалари прокурорга асоссиз равишда имтиёз бермаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади-лар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради.

Қонуннинг 22-моддасига асосан қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Қонун нормаларининг таҳлили ва Бош прокурор соҳавий буйруқлари талабларидан келиб чиққан ҳолда қайд этиш лозимки, прокурорнинг судга даъво аризаси (ариза) киритиш жараёнидан аввал судга қадар текшириш ўтказиш жараёни мавжуд бўлиб, ушбу жараёнда прокурор қонун бузилиши ҳолати содир этилганлиги ҳақидаги хулосага келган тақдирда судга ариза билан мурожаат қилади.

Бирок, прокурорнинг судга қадар текшириш ўтказиш билан боғлиқ ваколати, прокурор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (халқаро стандартларда белгилаб ўтилганидек) прокурорга ишнинг судда кўрилиши жараёнида бирор-бир устунлик бермайди.

**М. РАДЖАПОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош прокуратураси**  
**Академиясининг «Судларда**  
**прокурор ваколатини**  
**таъминлаш» кафедраси**  
**бошлиғи**

<sup>1</sup> Rec 1604

<sup>2</sup> 12 Rec 2004 (4)

<sup>3</sup> Rec 2005 (63)

<sup>4</sup> Rec 2012 (11)

<sup>5</sup> Обзор Европейского суда по правам человека [www.echr.coe.int](http://www.echr.coe.int)

<sup>6</sup> Конвенция Европейского Совета



## СУДЛАНГАНЛИК ҚАНДАЙ ОЛИБ ТАШЛАНАДИ?

Кўпчилик «судланган» деган қора тамғадан йироқроқ юришга ҳаракат қилади. Дунёда ҳеч бир инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Билиб-билмай, адашиб жиноят кўчасига кириб қолганлар «судланган» деган тамғани олишга мажбур бўлади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўра, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Суд томонидан жазо тайинланган, айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади.

Ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг оқибати бўлгани каби, жиноят содир этишнинг ҳам ўзига яраша ҳуқуқий оқибати мавжуд ва бу ҳам бўлса, судланганликдир.

Судланганлик эса, шахс манфаатларига таъсир этувчи бир қатор ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади.

Улар қуйидагилардир:

жиноят квалификациясига таъсир этувчи, яъни жиноий жавобгарликни кучайтирувчи ҳолат;

муайян ҳолларда шахснинг «ўта хавфли рецидивист» деб топилиши;

жазони оғирлаштирувчи ҳолат;

илгари содир этилган жинояти учун жазо ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда, ҳукмлар мажмуи бўйича жазо белгилашда қаттиқроқ қоидалар қўлланилиши;

хатто жабрланувчи билан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилишига тўсқинлик.

Қуйидаги ҳолатларда шахс судланмаган ҳисобланади:

жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилганда;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса;

жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганда;

қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганда;

айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганда;

жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганда;

жиноят содир этган шахс касаллиги туфайли жазодан озод қилинганда;

амнистия ёки авф этиш асосида жазодан озод қилинганда.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жиноят қонуни бўйича шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

шартли ҳукм қилинганларга нисбатан – суд томонидан шахсга белгиланган синов муддати тугаган кундан бошлаб;

мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;

жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин – бир йил ўтгач;

озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач;

беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озод-

ликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач;

беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач;

ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач.

Жиноят кодексига кўра, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса:

жамоат бирлашмаси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи;

меҳнат жамоаси;

жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи ёки вакилининг берган илтимосномасига кўра ҳам суд Жиноят кодексига назарда тутилган юқорида қайд этилган муддатларнинг камида ярмини ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Бироқ, қонунчилигимизда имтиёз тариқасида иқтисодиёт асосларига қарши айрим жиноятлар учун, хусусан, Жиноят кодексининг 178–184, 185–185<sup>2</sup>, 189–192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда (базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор), мазкур Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисмини ўтаганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари, ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмаса, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома судланганлик ҳолати мавжуд шахс, унинг ҳимоя-

чиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан жазони ўтаб чиққан шахс яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

Шунингдек, судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари суд томонидан жазога ҳукм қилинган шахснинг асосий ва қўшимча жазолари ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Асосий ва қўшимча жазо ўтаб бўлингач, Жиноят кодексининг 78-моддасида белгиланган, яъни судланганлик муддатлари ўтиши билан шахс судланмаган ҳисобланади.

Судланганлик муддатларини ҳисоблашда бир қатор қоидалар мавжуд. Масалан, агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Агар шахсга тайинланган жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади.

Жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай, яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охири содир этилган жиноят учун жазо амалда ўтаб бўлинганидан бошлаб ҳисобланади.

**У. САМАНДАРОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича**  
**Навоий вилоят суди**  
**катта мутахассиси**

## МАЪМУРИЙ ОРГАН АКТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) ВА УЛАР ЮЗАСИДАН СУДДА НИЗОЛАШИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши билан маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар ва ушбу муносабатлар доирасида чиқариладиган актлар, уларнинг тавсифи, бошқа актлардан фарқловчи белгиларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, маъмурий актларнинг бошқа ҳужжатлардан фарқловчи жиҳатларини аниқлаш орқали улар юзасидан низолашиш айнан қайси суд судловига тааллуқли эканлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

МДҲ давлатларининг кўпчилигида ҳозирга қадар маъмурий актни «давлат маъмуриятининг актлари»<sup>1</sup> «бошқарувнинг ҳуқуқий актлари», «маъмурий ҳужжат» деб номлаш ҳам мавжуд.

И.М.Лазарев бошқарувнинг индивидуал актларининг қуйидаги белгиларини санаб ўтади: давлат бошқаруви органлари тузилиши ва тизимига кирмайдиган маъмурий ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилади, яъни ички-ташқилий муносабатларга тааллуқли бўлмайди ва ушбу органларга бўйсундирилмаган фуқаро ва ташкилотлар билан бўладиган ташқи алоқаларни расмийлаштиради [2, с. 3, 98-99].

Маъмурий актни «ҳуқуқни қўллаш ҳужжати» билан ҳам бир хил деб бўлмайди. Бу борада Ҳ.Т.Одилқориев «ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари»<sup>4</sup>, З.М.Исломов «ҳуқуқни қўллаш (акти) ҳужжати»<sup>5</sup> ҳамда С.С.Алексеев «маъмурий акт»<sup>6</sup> каби тушунчалар таҳлилини келтириб ўтишган. Маъмурий акт айнан маъмурий процедуралар доирасида

қабул қилинади ва маъмурий ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатидан фарқ қилади<sup>7</sup>.

Шунингдек, И.А.Хамедов маъмурий органлар тушунчаси «маъмуриятчилик» (администрирование) тушунчасидан келиб чиқишини келтириб ўтган. Маъмурчилик деганда эса, индивидуал – аниқ характердаги ижроия-фармойиш фаолияти ёки давлат бошқарувидаги аниқ ҳолатларга нисбатан маъмурий фармойиш фаолияти тушунилишини таъкидлаб ўтган. И.А.Хамедов маъмурий орган тушунчаси давлат бошқаруви тизимининг ҳамма органларини ҳам қамраб олмаслигини таъкидлаб ўтган. Бироқ, замонавий маъмурий ҳуқуқ мақсадлари учун айнан маъмурий орган тушунчаси хусусий шахслар билан фаол муносабатга киришиши, оммавий бошқарув процессининг энг олдида туришига кўра мақбуллигини таъкидлаб ўтганини кўриш мумкин. Маъмурий органнинг қуйидаги уч ўзига хос хусусиятини, жумладан, маъмурий компетенциянинг мавжудлиги, маъмурчиликни амалга оширишга ваколатли эканлиги (оммавий бошқарув соҳасида индивидуал-фармойиш характердаги давлат ҳокимият ваколатининг берилганлиги) ҳамда фаолиятнинг қонуности характерга эга эканлигини келтириб ўтади [8 С.42-46; 9 С. 131-143].

Шунингдек, Ж.Н.Нематов маъмурий актнинг бешта асосий белгисини келтириб ўтади: 1) маъмурий орган томонидан қабул қилиниши; 2) ташқи субъектларга йўналтирилганлиги; 3) ҳокимият ваколоти асосида

қабул қилиниши; 4) ҳуқуқий оқибат юзага келтириб чиқариши; 5) аниқлиги (индивидуаллиги). Шунга кўра, муаллиф маъмурий акт деганда, маъмурий орган томонидан қабул қилинадиган, ташқи субъектларга йўналтирилган, ҳуқуқий оқибат юзага келтириб чиқарувчи, аниқ (индивидуал) характердаги ҳар қандай ҳокимият таъсир чорасини тушуниш мумкинлиги ҳақида фикр билдиради<sup>10</sup>.

Демак, маъмурий акт оммавий ҳуқуқий муносабат доирасида қабул қилинади ва унда маъмурий актнинг юқорида санаб ўтилган бешта асосий белгиси мавжуд бўлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26, 27-моддаларига асосан, маъмурий актлар (ҳужжатлар) юзасидан низолашиш маъмурий суд судловига тааллуқли бўлади.

Бугунги кунда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ҳамда «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан маъмурий орган актини бекор қилиш ҳақидаги талаб судда кўриб чиқиладиган ишлар тоифасига кирадими, деган савол муҳим аҳамият касб этмокда. Айрим қарашларга кўра, маъмурий орган актини бекор қилиш маъмурий орган ёки унинг юқори органи ваколатига берилган ва ушбу талаб судда кўриб ҳал этиладиган ишлар тоифасига кирмайди. Жумладан, суд амалиётида ҳам маъмурий орган актини бекор қилиш ҳақидаги талаб кўриб чиқилмайди ва аризачи маъмурий орган актини бекор қилиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этганда аризани иш юритишга қабул қилиш Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 133-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади ёки 108-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Маъмурий органларнинг актини (ҳужжатини) бекор қилиш судлар томонидан ҳал этилмайдиган талаб сифатида баҳоланиб, иш юритиш тугатилишига Фуқаролик кодексининг 12-моддасида қарорни (ҳужжатни) бекор қилиш назарда тутилмаганлиги, балки «ҳақиқий эмас деб топиш» жумласи ишлатилганлиги асос қилинади. Яна бир сабаб эса, маъмурий актни бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари ўртасидаги фарқнинг қонун ҳужжатларида акс эттирилмаганлигидир.

Бироқ, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26, 27-моддалари маъмурий органлар актини бекор қилиш судда ҳал этиладиган низо тоифасига киришини инкор этмайди. Чунки, ушбу моддаларда «ҳақиқий эмас деб топиш» жумласи эмас, балки «низолашиш» сўзи ишлатилган.

«Низо» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, баҳс, тортишув; жанжал, тўқнашув; кураш<sup>11</sup> маъносини, «низолашмоқ» сўзи эса адоват, ихтилоф, нифоқ туфайли ўзаро жанжаллашмоқ маъноларини англатади.

Демак, «низолашмоқ» деганда, нафақат бирор-бир маъмурий органнинг актини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабни, балки бекор қилиш талабини ҳам тушунишимиз керак.

«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг иккинчи, 59-моддасининг учинчи, бешинчи қисмларига кўра, маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиклик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келиши, қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжатлар фақат суд тартибида бекор қилинадиган ёки ўзгартириладиган ҳоллар назарда тутилиши мумкинлиги, манфаатдор шахснинг ишончли химоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда,

маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилиши белгиланган.

Маъмурий суд ишларини юритиш бўйича хориж тажрибасида маъмурий органларнинг актини «бекор қилиш» ҳақидаги низонинг маъмурий суд судловига тааллуқли эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, Эстония Маъмурий суд-процессуал кодексининг 37-моддасида маъмурий актнинг ҳақиқий эмаслиги билан бирга бекор қилиш ҳақидаги низонинг ҳам судловга тааллуқли эканлиги белгиланган.

Демак, юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, маъмурий актни бекор қилиш ҳақидаги низонинг судда кўрилиши миллий қонунчилигимизга, шунингдек хориж тажрибасига зид эмас. Қолаверса, маъмурий актни бекор қилиш ҳақидаги низонинг судда кўрилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ бўлар эди. Чунки, маъмурий актнинг чиқарилиши натижасида шахс ҳуқуқлари нафақат моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилишида, балки маъмурий акт чиқарилгунга қадар амалга ошириладиган процессуал тартибларга амал қилинмасдан чиқарилишида ҳам ифодаланиши, бузилиши мумкин.

Бирок, маъмурий орган томонидан маъмурий актни чиқаришда қонунда белгиланган процессуал тартибга амал қилмаганлиги уни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмаслиги лозим. Чунки, маъмурий актни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги масала судда кўрилганда чиқарилган маъмурий актнинг мазмунан тўғрилиги, унинг моддий ҳуқуқ нормаларига қанчалик мувофиқлиги, ҳақиқий ҳолатнинг чиқарилган маъмурий актга мослиги текшириш объекти бўлиб ҳисобланади. Маъмурий акт суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, маъмурий орган ушбу масала юзасидан ишни

қайта кўриш (масалан, Давлат солиқ идораси томонидан солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви материалларини қайта кўриб чиқиш) ва янги қарор чиқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган «Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги низонинг III боби рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларнинг Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан кўриб чиқилиши тартибини белгилайди. Унда қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида ариза келиб тушган пайтдан то қарор қабул қилинганга қадар ишни кўрувчи орган томонидан бажариладиган процессуал ҳаракатлар қатъий белгиланган. Жумладан, мазкур Низонинг 15, 26-бандларида ишнинг кўриб чиқилиши вақти ва жойи тўғрисида уларга нисбатан иш қўзғатилган жисмоний шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ишда қатнашиш учун жалб этиладиган бошқа шахслар хабардор қилиниши, комиссия мажлисида протокол юритилиши каби процессуал ҳаракатлар белгиланган. Худди шунингдек, маъмурий орган томонидан маъмурий актни чиқаришнинг процессуал тартиби «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунда, Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгиланган.

Шу боис, бизнинг фикримизча, маъмурий орган томонидан маъмурий актни чиқаришда қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартибга амал қилмаслик ёки ушбу тартибни бузган ҳолда чиқариш суд томонидан низодаги актни ҳақиқий эмас деб топиш учун эмас, балки бекор қилишга асос бўлиши ҳамда суд томонидан ўша органга маъмурий актни чиқаришнинг процессуал тартибига амал қилган ҳолда бирор-бир ариза ёки шикоятни қайта кўриб чиқиш мажбуриятини юклаши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бу эса, ўз навбатида, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 23-бобини «Маъмурий органларнинг

ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишларни юритиш» деб ўзгартиришни ҳамда ушбу Кодексни «Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланувчи 23<sup>1</sup>-боб билан тўлдиришни тақозо этади.

**М. ЭШИМБЕТОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди судьяси**

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Хазанов С.Д. *Формы и методы деятельности государственной администрации. Учебное пособие.* – Екатеринбург, 1999. – С. 7. (Bakhrakh D.N., Khazanov S.D. *Forms and methods of public administration activity. Tutorial.* – Yekterenburg, 1999. – P. 7.)

<sup>2</sup> Лазарев И.М. *Административные процедуры в сфере взаимоотношений граждан и их организаций с органами исполнительной власти в Российской Федерации. Дисс. ...канд. юрид. наук.* – М., 2002, – С. 172-173. (I.M.Lazarev. *Administrative procedures in the sphere of relations between citizens and their organizations with the executive authorities in the Russian Federation. Diss. ...Cand. lgal sciences.* – М., 2002. – P. 172-173)

<sup>3</sup> Жумагулов М. *Административный акт: юридические свойства (вопросы теории и практики в профилактике коррупционных явлений).* // Ежегодник публичного права 2016: Административный акт. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. – С. 30. (Zhumagulov M. *Administrative act: legal properties theory and practice in the prevention of corruption.* // *Yearbook of Public Law 2016: Administrative Act.* – М.: Infotropik Media, 2015. – P.30.)

<sup>4</sup> Odilqoriyev X.T. *Davlat va huquq nazariyasi. Darslik.* – T.: Adolat, 2018. – B. 377. (odilqoriyev X.T. *state and Law theory. Textbook.* – T.: Adolat, 2018. – P. 377.)

<sup>5</sup> Исломов З.М. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси.* Т.: Адолат, 2007. Б. 830. (Islamov .M. *State and Law theory.* T.: Justice, 2007. – P. 830.)

<sup>6</sup> Алексеев С.С. *Общая теория права: учеб.* – 2-е изд., – М.: Проспект, 2009.- С. 406. (Alekseev S.S. *General theory of law: studies.* – 2nd ed., – Moscow: Prospectus, 2009. – P. 406.)

<sup>7</sup> Нематов.Ж.Н. *Ўзбекистон маъмурий процедуралар қонунчилик асосларининг таҳлили (маъмурий актни суд амалиётида қўллаш мисолида).* // *Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали* 2019. – 65-б. (Nematov J. *Analysis of the legislative bases of the administrative procedures of Uzbekistan (On example of application of the administrative act in judicial practice)*)

<sup>8</sup> Хамедов И.А. *Вопросы о понятия «административные органы».* // *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси.* 2014 № 1(17). С. 42-46.(Khamedov I.A. *Questions about the concept of «administrative bodies».* // *High training courses of GPO.* 2014 № 1 (17). – P.42-46.);

<sup>9</sup> Таъкидлаш жоизки, И.М.Цай ҳам маъмурий орган тушунчаси юзасидан ўхшаши фикрларни келтириб ўтган (Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. *Административное право Республики Узбекистан. Общая часть.* Учебник. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – С. 131-143)

<sup>10</sup> Нематов.Ж.Н. *Ўзбекистон маъмурий процедуралар қонунчилик асосларининг таҳлили (маъмурий актни суд амалиётида қўллаш мисолида).* // *Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали* 2019. – 65-б. (Nematov J. *Analysis of the legislative bases of the administrative procedures of Uzbekistan (On example of application of the administrative act in judicial practice)*)

<sup>11</sup> *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Давлат илмий нашриёти* 2007. Б. 37

## ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Мамлакатимизда ерга оид ҳуқуқий муаммолар юзасидан ҳуқуқшунос олимлар томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган<sup>1</sup>. Лекин, уларнинг мазкур соҳага оид тадқиқот ишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ерга оид ҳуқуқий муносабатларда иштироки масаласи махсус тадқиқ этилмаган. Шунинг учун мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ерни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид ҳуқуқий муносабатлардаги фаолиятини ўрганиш, унинг самарали экологик фаолият юритиш механизмини шакллантириш, таҳлил қилиш ва шу асосларда уни такомиллаштириш масалалари бўйича фикр ва хулосалар бериш долзарб масалалардан биридир.

Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар деганда – ер ресурсларини бошқариш, уни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари ажратиш, ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнида келиб чиқадиган ҳуқуқий ва бошқа ашёвий муносабатлар тушунилади<sup>2</sup>.

Ер ҳуқуқи моддий нормаларини амалда татбиқ этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам алоҳида ўрни бўлиб, мазкур масалалар олимларнинг илмий қарашларида у ёки бу кўринишда ўз ифодасини топган.

Б.В. Ерофеев ер жараёни тушунчасига таъриф бериб, ер жараёни ҳуқуқий ҳодиса сифатида барча турдаги ижро органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ўзида акс эттирувчи, ер муносабатларига тааллуқли, аниқ мақсадларга эришишга қаратилган ва маълум процессуал нормага эга бўлган ҳаракатлар тизимидир,<sup>3</sup> деган тўхтамга келади. Бу фикрдан хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг (айниқса қишлоқ жойларида) ер ҳуқуқий нормаларини амалда татбиқ этилишида катта таъсир кучига эга эканлигини кузатишимиз мумкин.

Фикримизча, айнан Б.В. Ерофеевнинг қа-

рашлари илмий ва амалий жиҳатдан тўғридир. Шунга қарамай, унинг қарашларида процессуал муносабатларнинг иккинчи томони – ердан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ўрин эгалламаган.

Б.В. Ерофеевнинг қарашларидан фаркли равишда Н.И. Краснов ер жараёни тегишли давлат органларининг ер фондини бошқариш билан боғлиқ процессуал фаолиятини қамраб олади, шунингдек мазкур фаолиятда ердан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ҳам иштирок этади<sup>4</sup>, деб фикр билдириб, айнан ердан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ҳам ер процессуал муносабатлари тушунчасининг зарурий элементи эканлигига эътибор қаратади.

Ердан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар тушунчаси асосида биз бевосита ердан фойдаланиш тартибининг ўзгариши (ҳуқуқ нормасининг татбиқ этилиши) оқибатлари бевосита чегарадош бошқа ердан фойдаланувчилар (қўшнилар) манфаатларининг инобатга олиниши лозимлигини ҳам англашимиз лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ерга оид муносабатлардаги иштирокининг ҳуқуқий асоси бўлиб, экология ва ерга доир тегишли қонун ҳужжатлари ва шу органларнинг фаолиятини тартибга соладиган махсус қонунлар ҳисобланади.

2013 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига кўра, шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман, шаҳар комиссиясига ўз вакилини юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 34-моддасига кўра, ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ер участкала-

рини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар тузилади. Комиссиялар таркибига ер ресурслари ва давлат кадастри (комиссия котиби), кишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш, геология ва минерал ресурслар, давлат мулкани бошқариш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

Ушбу нормалардан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллариининг ер участкаларини бериш масалаларида, яъни ерга оид процессуал-ҳуқуқий муносабатларда тегишли тартибда иштирок этиши мумкинлиги кўриниб турибди.

Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғинининг кенгаши тегишли ҳудуддаги ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, деб белгиланган.

Ердан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик институтлари ва фуқаролар томонидан ерга эгалик қилувчилар ҳамда ердан фойдаланувчилар фаолияти қонунийлиги ва ижтимоий манфаатларга мувофиқлиги юзасидан кузатувлар олиб бориш, таҳлил қилиш ва баҳолашга оид фаолиятдир<sup>5</sup>.

Бундан келиб чиқадики, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жараёнида ҳамда тегишли туман комиссияси томонидан ер участкаларини бериш масалалари кўриб чиқиладиганда юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларда субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар) томонидан мазкур қонунчиликнинг тўғри бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик назоратини юритиши мумкин.

Жамоат назорати тегишли тадбирларда иштирок этиш, мониторинг қилиш, текшириш, эшитувлар ташкил этиш ва бошқа шаклларда амалга оширилади<sup>6</sup>.

Лекин, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг амалиётида бундай чора-тадбирларнинг мустақил амалга оширилганлиги ҳақида бирон-бир маълумот учратиш қийин. Бунинг учун тегишли амалиётни ривожлан-

тириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Бундан ташқари, Ер кодекси 84-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадilar.

Шунингдек, ушбу Кодекс 84-моддасининг учинчи қисмида табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашадilar, деб белгиланган.

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид экологик фаолиятда юқорида кўрсатилган нормалар талабларининг рўёбга чиқарилишида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам юридик шахс сифатида иштирок этади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишдаги экологик фаолияти устидан ер қонунчилигида белгиланган талаблар асосида жамоатчилик назоратини амалга оширади.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси талабларига кўра, ердан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитадилар ҳамда ушбу экологик фаолият талабларининг бажарилиши бўйича тегишли қарорлар қабул қиладilar.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудида ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш талабларининг бажарилиши юзасидан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда жамоат экологик экспертизаси ўтказилишини ташкил қилиш ва унинг амалга оширилишидаги экологик муносабатларда ҳам иштирок этади.

Бундай ҳолатда «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига асосан, жамоат экологик экспертизаси экологик асосланиши тақозо этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва



фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Бунга кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари давлат экологик экспертизаси ўтказилганлигидан қатъи назар, жамоат экологик экспертизаси ўтказилиши орқали тегишли хулосалар олиши мумкин.

Аммо, қонунчиликда мазкур норма белгиланганига қарамадан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ёки бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоат экологик экспертизаси ўтказилиши амалиётини учратиш қийин.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади. Демак, табиат объектларидан, шу жумладан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан маҳалла тузилмаларининг раислари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида тегишли давлат органларига тақдимномалар киритиб, маҳаллий аҳолининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Бундай экологик фаолиятда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки таъминланади.

Бизнингча, юқоридаги фикр-мулоҳазаларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига кўра, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларнинг бажарилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларини куйидаги шаклларда амалга ошириши мумкин, деб ўйлаймиз.

Яъни, уларнинг шакллари куйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

1) ерлардан фойдаланилиши ва муҳофаза қилиниши устидан жамоат экологик назоратини амалга оширишда;

2) ердан фойдаланилишида жамоат экологик экспертизасини ўтказишда;

3) ердан фойдаланилиши устидан жамоат экологик мониторингини юритишда;

4) ер участкаларини ажратиш масалаларида иштирок этишда;

5) ерларнинг фойдаланиш категорияларини ўзгартиришда, масалан, қишлоқ хўжалик ерларини бошқа тоифага ўтказилишида;

6) ерларни алоҳида муҳофаза қилиш тоифасига ўтказишда иштирок этишда;

7) ерлардан фойдаланилиши ва муҳофаза қилиниши устидан жамоат эшитувларини ўтказишда;

8) ерлардан фойдаланилиши ва муҳофаза қилиниши талаблари тегишли субъектлар томонидан бажарилмаганда уларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритишда ва ҳоказо.

Хулоса шуки, ерга оид процессуал-ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий асослари қонунларда ўз ифодасини топган. Бироқ, ерга оид ҳуқуқий муносабатлар амалга оширилаётганда ушбу муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳудуддаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик механизмини шакллантириш ва тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Ж. СУВОНҚУЛОВ,**  
**Жиззах давлат педагогика**  
**институтининг катта ўқитувчиси,**  
**3-даражали юрист**

<sup>1</sup> Ер ҳуқуқи. // Дарслик. Рустамбаев М.Х., Усмонов М.Б., Жўраев Й.О. - Т.ТДЮИ, 2002.; Кенжаев Р. Ерларни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари // ТДЮИ Ахборотномаси, 2011 й. №5, 71-73-б., Бобоқулов Ш.О. Фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш муаммолари. Юрид. фанлар номзоди дисс. Автореф. Т.ТДЮИ, 2006, 26-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Ер ҳуқуқи фанидан юридик тушунча ва атамалар изоҳли лугати. Масъул муҳаррир ю.ф.д. проф., Ю.А.Жўраев. Тузувчилар: Ҳ.Ю.Садиқов, Ж.А.Суванқулов ва бошқалар.-Т. «INFO CAPITAL GROUP», 2019 йил, 76-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Ерофеев Б.В. Земельное право. Учебник для вузов. – М.: ООО «Профобразование», 2001. – С.290.

<sup>4</sup> Н.И.Краснов, И.А. Иконичкая. «Процессуальные вопросы советского земельного права», «Наука» 1975 г. – С.10.

<sup>5</sup> Ер ҳуқуқи фанидан юридик тушунча ва атамалар изоҳли лугати. Масъул муҳаррир ю.ф.д. проф., Ю.А.Жўраев. Тузувчилар: Ҳ.Ю.Садиқов, Ж.А.Суванқулов ва бошқалар.-Т. «INFO CAPITAL GROUP», 2019 йил, 80-б.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Ўзбек миллий қонунчилигида фарзандликка олиш институтининг жорий қилинганлиги ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддасига кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл кўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Яъни, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибда, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ мазкур тоифадаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади ва ишга алоқадор бўлмаган шахсларнинг суд мажлисига киришига руҳсат берилмайди. Суд мажлисида қатнашган шахслар фарзандликка олиш сирини қонунда белгиланган тартибга зид равишда ошкор қилса, жинойий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Мазкур тоифадаги ишлар судлар томонидан кўриладиган фуқаролик ишларининг салмоқли қисмини ташкил қилади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судлари томонидан 2019 йил давомида фарзандликка олиш тўғрисидаги аризалар бўйича жами 149 та фуқаролик иши кўрилган бўлиб, 143 та иш бўйича аризалар қаноатлантирилган.

Аксарият ҳолатларда фуқароларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги аризалари фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қаноатлантирилади. Аммо, миллий қонунчилигимизда фарзандликка олишни истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар, фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар, қасддан содир қилган жинойтлари учун илгари ҳукм қилинганлар вояга етмаган болаларни фарзандликка олишлари мумкин эмас.

Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам фарзандликка олиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, аксарият хорижий давлатларда фарзандликка олувчиларга нисбатан ёш цензи белгиланган бўлиб, уларнинг судланганлик ҳолатига деярли эътибор берилмайди.

Жанубий Корея қонунчилигига мувофиқ фарзандликка олувчиларнинг ёши 25-45 ёш оралиғида бўлиши керак. Турмуш қурмаган ҳамда бир мартадан кўп ажрашган шахсларга болаларни фарзандликка бериш тақиқланади. Шунингдек, фарзандликка олувчи эр-хотин олий маълумотли бўлиши ҳамда уларнинг никоҳ қурганлигига камида уч йил бўлган бўлиши керак.

Германия қонунчилигига мувофиқ вояга етмаган болалар фақат қонуний турмуш қурган эр-хотинларга фарзандликка берилади. Фарзандликка олувчиларнинг ёш цензи эса аёллар учун 21, эркаклар учун 25 ёш белгиланган.

Хитой Халқ Республикасининг «Фарзандликка олиш тўғрисида»ги қоидаларига кўра, фарзандликка олувчиларнинг ёши 30-50 ёш

оралиғида бўлиши лозим. Шунингдек, болалар ўзаро никоҳда ҳамда мазкур никоҳда икки йилдан бери яшаб келаётган ва аввал икки мартадан ортиқ никоҳдан ажрашмаган шахсларга фарзандликка берилади. Ўзаро никоҳда бўлмаган якка шахсларга, шунингдек тана оғирлиги белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган шахсларга фарзандликка бериш тақиқланади.

Ҳозирги кунда суд амалиётида фарзандликка олувчиларнинг судланганлик ҳолати мавжудлиги, гарчи судланганлик муддатлари ўтиб кетган бўлса-да, болаларнинг фарзандликка олинишига тўсиқ бўлмоқда. Чунки, қонунда фарзандликка олишни истисно қиладиган мазкур асос умумий белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Мазкур қонун қасддан содир қилган жиноятлари учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлик муддати ўтиб кетганлиги ёки уларнинг судланганлиги олиб ташланганлиги олдинги барча ҳуқуқларининг тикланганлигини англатади. Аммо, оила қонунчилигига мувофиқ судланганлиги ҳолати тугаган ёки олиб ташланган шахслар вояга етмаган болаларни фарзандликка олиши мумкин эмас. Бу эса, кодекслар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликни вужудга келтиради.

Зеро, амалиётда бола ўғай ота ёки она билан бир оила бўлиб яшаётган, болани она (ота) си ҳам турмуш ўртоғига болани фарзандликка беришга рози бўлган, лекин шахс қасддан жиноят содир этганлиги учун илгари ҳукм қилинган ҳолатлар ҳам кўплаб учрамоқда. Масалан, иқтисодиёт ёки экология соҳасидаги жиноятлар ва бошқалар. Ушбу қонун нормаси эса вояга етмаган болани қонуний йўл билан шу шахсга фарзандликка беришга йўл қўймайди.

Фикримизнинг асоси сифатида фуқаролик судида кўрилган фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишини мисол қилишимиз мумкин (фуқаролик ишидаги шахсларнинг исм-шарифи ва ҳолат ўзгартирилган).

Аризачилар Алимов Али Алимович ва Лазизова Лазиза Лазизовна судга ариза билан мурожаат қилиб, унда улар 1981 йилда турмуш

қуришганликларини, вояга етмаган 2003 йил 19 июль куни туғилган Ботиров Бобир Ботир ўғли ва 2006 йил 15 январь куни туғилган Ботирова Алиса Ботир қизи уларнинг невараси бўлишини, вояга етмаганлар келини ва ўғлининг фарзанди бўлишини, болалар 2008 йилдан буён уларнинг тарбиясида эканлигини, невараларининг онаси Алимова Амина Али қизи 2008 йилда фарзандларини уларга ташлаб кетганлигини, набираларининг отаси эса 2009 йилда бошқа оила қурганлигини, набираларини уларга беришга отаси рози эканлигини, Алимова Амина Али қизи эса оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини, уларнинг оиласи моддий жиҳатдан таъминланганлигини билдириб, уларга Ботиров Бобир Ботир ўғли ва Ботирова Алиса Ботир қизини фарзандликка беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Алимов Али Алимович муқаддам ўзига ишониб топширилган давлат мулкани лозим даражада сақламаганлиги ва растратага йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва 172-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилган. Лекин, у бугунги кунда болаларга ўз отасидек ғамхўрлик қилиб келмоқда. Болалар ҳам уни ота сифатида қабул қилган.

Суд юқоридаги ҳолатни инобатга олиб, қонун нормаларига асосланган ҳолда аризачиларнинг аризасини қисман қаноатлантириб, вояга етмаган Ботиров Бобир Ботир ўғли ва Ботирова Алиса Ботир қизини Лазизова Лазиза Лазизовнага фарзандликка берган, аммо Алимов Али Алимовичнинг судланганлиги борлиги учун вояга етмаган болаларни унга фарзандликка беришни рад қилган.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасидаги «қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар», деган жумлани «оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлар, шунингдек оила, вояга етмаган болага, ахлоқ ва жинсий эркинликка қарши жиноят содир этганлар», деб ўзгартириш ҳамда моддани «судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик муддати ўтиб кетган шахслар бундан мустасно» деган жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

**Н. ФАЙЗИЕВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Навий вилоят суди раиси**

## КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР

Ҳозирда деярли ҳамма тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. XX асрнинг охирларида мамлакатимизда бозор ислохотлари бошланди, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, ширкатлар, хусусий ва оилавий корхоналар, шунингдек бошқа шаклдаги юридик шахслар ташкил этилди. «Корпоратив ҳуқуқ», «корпоратив муносабатлар» деган атамалар пайдо бўлди. Бироқ, ҳозирга қадар «корпоратив муносабатлар» атамаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига киритилгани йўқ.

Тор маънода «корпоратив» деган ҳуқуқий атама фақат акциядорлик жамияти фаолияти билан боғланади. Кенг маънода эса, умумий мақсадга эришиш ва фаолиятда иштирок этиш учун таъсисчилар (иштирокчилар) томонидан ташкил этилиб, юқори ва ижро этувчи органлар тузиладиган юридик шахслар «корпорация» тушунчаси билан камраб олинади. Корпорациянинг иштирокчиси (таъсисчиси, акциядори, пайчиси, аъзоси) юридик ёки (ва) жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Иштирокчилар (таъсисчилар, улушдорлар, акциядорлар, пайчилар, аъзолар) ўртасидаги юридик шахснинг ташкил этилишидан бошлаб тугатилишигача бўлган давр мобайнида юзага келган ички низолар ҳамда ташқи субъектлар билан боғлиқ низолар корпоратив низоларга киради. Корпоратив муносабатлардан келиб чиққан ва улар фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлар иқтисодий, фуқаролик, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судларда кўрилиши мумкин.

Судларда кўриладиган корпоратив муносабатлардан келиб чиққан ишлар қаторига:

тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил

этиш, тугатиш ва унда иштирок этиш билан боғлиқ;

юрidik шахсни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ёки давлат рўйхатидан ўз вақтида ўтказмаслик билан боғлиқ;

иштирокчини жамиятдан чиқариш, устав фондидаги улушни бошқа шахсга ўтказиш, акцияларни ноқонуний равишда эгаллаб олиниши билан боғлиқ;

акцияни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганида сотиб олувчининг ҳуқуқларини ўтказиш ҳақидаги;

улуш қийматини тўлаб бериш мажбуриятини юклаш;

акциядорлар реестрига ёзувни киритмасликни ғайриқонуний деб топиш;

қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ низолар;

умумий йиғилишни чақириш мажбуриятини юклаш;

умумий йиғилишни муддатидан олдин чақириш талабини рад этишни ноқонуний деб топиш, умумий йиғилишда овоз бериш тартибини бузиш ёки умумий йиғилишларда иштирок этиш ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ;

умумий йиғилишда иштирок этувчиларни рўйхатини тақдим этиш мажбуриятини юклаш;

бошқарув органлари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш;

жамият ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ;

улуш (акция, пай)га нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш;

акцияларни баҳолаш ва уларнинг ҳақиқий бозор қийматини ундириш;

дивидендларни тўлашдан бош тортиш ёки уларни тўла миқдорда тўламаслик билан боғлиқ;

битимларни (шу жумладан йирик битимларни) ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) уларни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатларини қўллаш ҳақидаги;

хўжалик ширкати иштирокчисига берилган ваколатларни тугатиш;

жамиятни бошқарув органларининг хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган зарарни ундириш;

иштирокчилар (акциядорлар) жисмоний шахсларнинг маънавий зарарни ундириш ҳақидаги;

жамиятни бошқарув органларини ноқонуний равишда ўзгартириш билан боғлиқ;

юридик шахслар реестрига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги;

мерос мулкига кирган улуш (акция, пай, даромад) билан боғлиқ;

эр-хотинни биргаликдаги умумий мулкига кирган улуш (акция, пай, даромад) билан боғлиқ;

меҳнат муносабатларидан келиб чиққан;

жиноий қилмишлар оқибатида корпоратив тузилмада мулкни талон-торож қилиш, унинг ходимлари томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ишлар ҳамда бошқа тоифадаги ишлар киради.

Яъни, келтирилган ишлар тааллуқлилиги бўйича тегишли судларда кўрилади.

Корпоратив муносабатлар билан боғлиқ ишларда юридик шахс ва унинг акциядорлари, таъсисчилар, пайчилар, аъзолари, инвесторлар, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари иштирок этиши мумкин. Акциядорлар (улушдорлар, пайчилар, аъзолар) ўрталарида ёки ушбу шахслар ва юридик шахснинг бошқарув органларининг ноқонуний ҳаракатлари сабабли юзага келган низоларни ички низолар деб, даъвогар акциядор (улушдор, пайчи, аъзо) ва бошқа жавобгарлар ўртасидаги низоларни ташқи низолар деб баҳолаш мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича судда ва иқтисодий судда тарафлар даъвогар ҳамда жавобгар ҳисобланади. Маъмурий судда кўриладиган фуқаролар ёки юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларда тараф сифатида аризачи ва жавобгар ўтади. Корпоратив муносабатларда Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга тажовуз қилинганлиги туфайли қўзғатилган ишларда юридик ва жисмоний шахслар фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар, шунингдек жисмоний шахслар жабрланувчи ёки гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи) сифатида жалб этилади.

Корпоратив муносабатлардан келиб чиққан меҳнатга оид низолар (ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш ва бошқалар), шунингдек устав фондидаги акциялар, улушлар ёхуд кооператив аъзоларининг пайи мерос мулкига ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкига кирганида ушбу мулклар билан боғлиқ низолар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (ФПК) 23<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилади.

Корпоратив муносабатлари билан боғлиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколати бўлган бошқа органларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан юзага келган низолар, бундан ташқари юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан берилган шикоятлар маъмурий судга тааллуқлидир (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддаси).

2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига (ИПК) «Корпора-

тив низолар» номли 30-модда киритилди. Иқтисодий судда кўриладиган корпоратив низоларнинг тўлиқ рўйхатини олдиндан тузиш имконияти йўқлиги ва ҳар қандай манфаатдор шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун Кодексда иқтисодий судда кўриладиган корпоратив низоларни фақат асосий 7 та тури келтирилган. Аҳамиятли томони шундан иборатки, иқтисодий судларда кўриладиган корпоратив низоларда тараф сифатида жисмоний шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Судларга топшириладиган даъво аризалари, аризалар ва шикоятлар асосан адвокатлар ва юридик маълумотга эга бўлган бошқа шахслар томонидан тайёрланади. Суд амалиётида даъво талабларини нотўғри қўйиш ҳолатлари учраб туради. Масалан, даъво аризасида жавобгар сифатида акциядорлик жамиятини ёки масъулияти чекланган жамиятини кўрсатмасдан жамият филиали (бўлинмаси)ни ёки бошқарув органларини келтириш; жамиятнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ўрнига умумий йиғилиш баённомасини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ёки даъво аризасида битимни ҳақиқий эмас деб топишни сўраш ўрнига уни бекор қилиш талаби билан мурожаат этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сонли қарорида тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан берилган шикоят маъмурий судларга тегишли, деган тушунтириш берилган (3-банди). Шу билан бирга, юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш масалалари бўйича юзага келган корпоратив низоларнинг тури иқтисодий судга тааллуқли ҳисобланади (ИПК 30-моддаси).

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий,

бошқалари фуқаролик ишлари бўйича ёки иқтисодий судга тааллуқли талаблар бўлса, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади. Ўзаро боғлиқ бўлган, лекин баъзилари маъмурий судга, бошқалари иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабларни бирлаштириб бўлмайди, ушбу талаблар билан алоҳида-алоҳида тартибда маъмурий ва иқтисодий судга мурожаат этиш шарт.

Талаб билан судга мурожаат этишда судга тааллуқлилиқ масаласини тўғри ҳал этиш орқали сансалорликнинг олди олинади. Юқорида кўрсатилганидек, ИПКнинг 30-моддасида келтирилган корпоратив низоларда низонинг бир тарафи жисмоний шахс бўлганида ҳам иш иқтисодий судда кўрилади. Бошқа корпоратив муносабатлардан келиб чиққан низо қайси судда кўрилиши масаласини тўғри ҳал этиш учун ИПКнинг 25 ва 30-моддалари, МСИЮТКнинг 25-моддаси ва ФПКнинг 26-моддасини ўзаро солиштириш ва судловга тааллуқлилиқ масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Пленум қарорларида берилган тушунтиришларни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ИПКнинг 30-моддасидаги корпоратив низолар фақат юридик шахс жойлашган ердаги иқтисодий судда кўрилади ва низо тарафларига судловга тегишлилик қоидасини ўзгартириш ҳуқуқи берилмаган. Иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида» 2014 йил 20 июндаги қарорида судлар учун зарур бўлган тушунтиришлар берилган.

**Д. АКРАМОВА,**  
Фарғона туманлараро  
иқтисодий суди судьяси

## УМУМИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, УНИНГ ТАСАРРУФ ЭТИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 201-моддасида умумий мулк тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра икки ёки undan ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи алоҳида бир шахсга (фуқаро, юридик шахс, давлат, маъмурий-худудий тузилма) тегишли бўлса, мулк бир субъектга ҳисобланади. Шунга мувофиқ, бу ҳолда мулкдорга қарши турган барча учинчи шахслар, ушбу шахснинг мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи барча хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиши керак.

Агар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи икки ёки undan кўпроқ шахсга тегишли бўлса, умумий мулк вужудга келиб, бу ҳолда ушбу иштирокчиларнинг барча учинчи шахслар билан ташқи муносабатларидан ташқари мулк иштирокчиларининг ўртасида ички муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. Бундай шахслар (шерик мулкдорлар) ўртасидаги ички муносабатларни тартибга солиш зарурияти умумий мулк институти деб аталувчи, мулкдорларнинг ўзларига тегишли умумий мулкка эгалик қилиш, undan фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишда шерик мулкдорларнинг иродасини мувофиқлаштиришга мўлжалланган ҳуқуқий

нормалар тизимини юзага келтирди.

Умумий мулкнинг барча турларига тааллуқли ўзига хос хусусиятлар бўйича қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– биринчидан, у икки ёки undan кўпроқ шахсга тегишли, яъни кўп субъектlidir;

– иккинчидан, унинг нарсасини умумий тоифага кирувчи муайян бир мол-мулк ташкил этади;

– учинчидан, умумий мулкчиликда шерик мулкдорларнинг барча учинчи шахслар билан ташқи муносабатларидан ташқари, уларнинг ўртасида ички муносабатлар ҳам мавжуд бўлади.

Юридик адабиётда бир неча шахсга тегишли мулкни белгилаш учун айрим пайтда «жамоа мулки» сингари атама ишлатилади, бу эса ҳуқуқий жиҳатдан унча тўғри эмас, чунки «жамоа мулки» тушунчасида гап мулкни ҳуқуқий субъект яхлитлигини ташкил этувчи бирон жамоага тегишли эканлиги тўғрисида бориши фараз қилинади. Ваҳоланки, кўп субъектга мулк муносабатларида гап мулкнинг ягона ҳуқуқ субъектини ташкил этмайдиган бир неча шахсга тегишли эканлиги хусусида боради. Бунинг устига айрим ҳолларда жамоавий деб юридик шахсларга тегишли мулк тушунилади.

Умумий мулкнинг икки хил: улушли ва биргаликдаги турлари фарқланади. Ҳар бир иштирокчининг улуши белгиланган мулк улушли бўлади, демак-ки, улушлар белгиланмаган мулк биргаликдаги мулк ҳисобланади.

Қонун фақат қатъий белгиланган ҳоллардагина биргаликдаги мулк муносабатлари

вужудга келишига йўл қўяди. Сабаби шуки, биргаликдаги мулк иштирокчилари томонидан ваколатларни амалга ошириш ўзига хос бўлиб, улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва махсус қонунчилик қоидаларининг қўлланилиши улар ўртасидаги муносабатлар юқори даражада ишончли деб фараз қилинади.

Айнан шунинг учун ҳам қонун биргаликдаги мулкнинг улушли мулкка айланишига рухсат берса ҳам, умумий қоида бўйича бунинг тескарисига йўл қўймайди.

Қайд этиш лозимки, биргаликдаги мулкда мол-мулкнинг умумийлиги улушли мулкка нисбатан кўпроқ даражада ифодаланган.

Буни биргаликдаги мулк иштирокчилари (эр-хотин, деҳқон хўжалиги аъзолари ва ҳ.к.) ўртасидаги муносабатлар анча ишончли ва барқарор хусусиятга эгаллиги билан тушунтириш мумкин. Аммо, бу биргаликдаги мулкда умуман улуш йўқлигини англатмайди.

Бу масаладаги фарқ шундан иборатки, улушли мулкдаги ҳар бир иштирокчининг улуши, одатда, аввалдан белгиланган, биргаликдаги мулкда эса, улуш фақат умумий мулк тақсимланганда ёки ажратилганда, яъни биргаликдаги мулк муносабатлари тугатилган пайтда аниқланади. Бу ҳолда ҳам улушли, ҳам биргаликдаги (юқорида кўрсатилган ҳолатларда) мулкдаги улушлар, қонун ёки шартномада ўзгача тартиб белгиланмаган бўлса, тенг деб фараз қилинади.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ва ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Мол-мулкка нисбатан умумий мулкчилик, унинг бўлинмайдиган мол-мулклигидан, қонунга биноан бўлиниши мумкин бўлмаган мол-мулклигидан ёки бўлинадиган мол-мулклигидан қатъи назар, вужудга

келиши мумкин. Башарти, мол-мулк вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаса, унга нисбатан умумий мулкчилик мол-мулкка хос бўлган функционал сифатлар ёхуд унинг ҳуқуқий режими оқибатида умумий мулк пайдо бўлади.

Мол-мулк бўлинувчи сирасига кирса, унга нисбатан умумий мулкчилик фақатгина қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлардагина вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси умумий улушли ва умумий биргаликдаги мулкнинг таърифига ҳам, вужудга келиш асосларига ҳам турлича ёндашади.

Умумий улушли мулкнинг вужудга келиш асослари тўла-тўқис аниқланмаган. У қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолатларда ҳам, томонларнинг келишуви, суднинг қарорида назарда тутилган ҳолатларда ҳам, шунингдек умумий улушли мулк пайдо бўлишига сабаб бўладиган бошқа вазиятлар таъсирида ҳам вужудга келиши мумкин.

Умумий улушли мулк иштирокчиларининг доираси қонун билан чекланмаган. Улар мулкчиликнинг турли шаклларини турли бирикмада ифодалашлари мумкин. Фуқаролар, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида, юридик шахслар, маъмурий-худудий тузилмалар, фуқаролар ва ҳоказолар ўртасида умумий улушли мулкчилик бўлиши мумкин. Жумладан, мерос мол-мулкнинг қисман эгасизлик ҳолатида бир томондан давлат мулкчилиги, иккинчи томондан эса фуқаролар ва юридик шахслар мулкчилиги вужудга келиши мумкин.

Бу ҳолда қонун мулкчиликнинг турли шаклларини ифодаловчи субъектларнинг умумий мулкчилигининг мажбурий тўхталишини талаб этмайди. Аксинча, умумий улушли мулкчилик фақат қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина вужудга келиши мумкин, бунда қонун томонидан унинг



иштирокчиларининг доираси ҳам қатъий белгиланган.

Ўз навбатида, мол-мулкка нисбатан биргаликдаги мулкчиликнинг пайдо бўлиши фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина мумкин (эр-хотиннинг, деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки). Мол-мулкка биргаликдаги мулк ҳуқуқи биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига биноан, келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг қарори билан улушли мулкчилик ҳуқуқига алмаштирилиши мумкин. Бунда, ҳар бир мулкдорнинг мулк ҳуқуқидаги улуши белгиланиши лозим.

Биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги яқин алоқалари билан улушлидан ажралиб туради. Биргаликдаги мулк иштирокчилари улушга ҳақли эмас. Шу сабабли, умумий мулкнинг бундай шаклини айрим пайт улушсиз деб ҳам аташади.

Биргаликдаги мулк иштирокчилари ўз ҳуқуқларини учинчи шахсларга умумий мулкчилик режимини тўхтатмасдан беришга ҳақли эмас. Шундай қилиб, биргаликдаги мулк иштирокчиларининг таркиби тасарруфли битимлар асосида ўзгариши мумкин эмас. Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг доираси қонунда аниқ белгиланган.

Биргаликдаги мулк иштирокчисининг тасарруф имкониятлари улушли мулкка нисбатан сезиларли даражада чекланган. У нафақат ўз ҳуқуқларини бошқанинг тасарруфига ўтказиши, балки бошқа иштирокчилар билан муносабатларини улушли мулк муносабатларига ўзгартирмасдан туриб биргаликдаги мулк ажратилишини ёки тақсимланишини ҳам талаб қилишга ҳақли эмас. Бунда, биргаликдаги мулк иштирокчилари келишув йўли билан уни улушли мулк сифатида қайта тузишга, шакллантиришга ҳақли. Қайта тузиш тўғрисида ҳам, улушларнинг миқдори тўғрисида ҳам келишувга эришилмаган тақдирда қарор суд томонидан қабул қилинади.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг ҳуқуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулкдаги улушга нисбатан бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Бинобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, чунончи ўз улушини агар қонун ёки устав (низом)да бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ўзга шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давомида бундай мулкнинг эгалари ўртасида бўлган низолар умумий мулк иштирокчиларининг ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулк эгалари ўз ихтиёрида бўлган мулкни ҳаммаларининг розилиги билан эгаллайди, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Агар умумий шерик мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида ўзаро келиша олмаса, бундай масала шерик эгаларнинг ҳар қайсиси даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси умумий мулк юзасидан бўлган солиқ, йиғим ва бошқа тўловларни тўлашда, шунингдек уни бошқариш ва сақлаш харажатларида ўз ҳиссасига яраша қатнашишга мажбур.

Умумий мулкни сақлаш ёки умумий мажбуриятни бажариш юзасидан харажатлар қилган бошқа шерикларидан ўзининг қилган чиқимларини ҳар бирининг ҳиссасига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 221-моддасида айтилганидек, уни бошқариш ва сақлаш харажатларида ўз ҳиссасига яраша қатнашишга мажбур.

Мазкур Кодекснинг 218-моддасида таъкидланганидек, умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси ўз улушини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Бунда, улушни ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиш назарда тутилади. Умумий мулкнинг шериклари ташкилот бўлган тақдирда, улар ўз улушларини бировга ҳақ бараварига ўтказди, кўпинча уни сотади. Фуқаролар эса, ўз улушларини ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиши, чунончи, сотиши, ҳада этиши, шунингдек васият қилиб қолдириши мумкин.

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотилаётган нархда ва бошқа тенг шартларда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқга эгадир. Ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФК 224-моддаси).

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечса ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида бошқа мол-мулкка нисбатан эса – ўн кун давомида амалга оширмаса, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Давлат, кооператив ёки бошқа юридик шахс уй-жойга нисбатан бўлган умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини сотган тақдирда – уй-жойнинг ана шу улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ уйнинг шу қисмида яшовчи шахсларга берилади, улар сотиб олишни хоҳламагани ёки бу ҳуқуқни амалга оширмаганида эса, улушни сотиб олиш ҳуқуқи умумий мулкнинг қолган шерикларига ўтади.

Агар улуш шерикларнинг имтиёзли

ҳуқуқлари бузилиб сотилса, умумий улушли мулкнинг бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкин. Аммо, бу ҳуқуқ ва мажбурият мулкни олиб-сотишда белгиланган нархини ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш шарти билангина унга ўтказилиши мумкин.

Агар мулк олувчи улушни сотиб олиш тўғрисида розилик берган бўлса-ю, лекин у нотариал идорага келишдан бош тортса, нотариус сотувчининг танлаши бўйича бошқа шахс билан шартномани расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Умумий мулк бўлган уйдан тегишли улуш соқит қилинишида, масалан, сотилишида, уйга бўлган улушлар реал (натура шаклида) кўрсатилмай, балки арифметик улушларда белгиланади. Аммо, шу билан бирга сотувчи фойдаланиш учун қайси квартира ёки хонанинг ўтишини кўрсатиши мумкин. Агар умумий улушли мулк бўлган турар жой иштирокчилари ўртасида уйнинг айрим хоналаридан фойдаланиш тўғрисида олдиндан келишилган бўлса, бундай келишиш ҳам нотариус томонидан тасдиқланиши мумкин.

Улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузиб сотилган ҳолда умумий улушли мулкка бўлган бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида қоидалар кенг маънода жорий қилинмайди, чунончи, турар-жойни ҳада ва васият қилиш ҳолларида қўлланилмайди.

**Ғ. МИРЗАЕВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Хоразм вилоят суди судьяси**

# ШИРИН СЎЗ СОҲИБИ



*Дунёда шундай инсонлар борки, софдиллик ва камтаринлик уларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Бундайлар маънавий бой, ахлоқанпок инсонлар бўлиб, улар бор кучларини,*

*ақл-идроклари, билим ва зеҳнларини шогирдларига бахшида эта олган заҳматкашлардир.*

*Тажрибали ҳуқуқшунос, суд тизими фахрийси, республикамизда одил судловни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган ва кўплаб шогирдларга устозлик қилган Мирзоҳид Умаров ҳам ана шундай мўътабар инсонлардандир.*

*Мирзоҳид ака кўнгли очиқ, қалби тоза, ақл-заковат соҳиби, юксак салоҳиятли инсон бўлганлиги боис, у биринчи галда, бошқаларни ҳам ҳалолликка ва диёнатли бўлишга ундайди. «Авалло инсон бўл», деган нақл Мирзоҳид аканинг асосий шиоридир. Ҳаётга бундай кўз билан қараш, фикрлаш, иш юритиш, яхшилик сари интилиш, муҳтожларга ёрдам бериш, шогирдларга устозлик қилиш, ўз оиласига нисбатан меҳрли бўлиш каби фазилатлар Мирзоҳид акани касбдошлари, сафдошлари ва қолаверса, эл-юрт ичра ҳурматга сазовор бўлишга замин яратди. Мирзоҳид ака узоқ йиллар узлуксиз равишда судья, шу жумладан суд раҳбари лавозимларида фаолият кўрсатиб, суд ҳокимияти-*

*ни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди ва салоҳиятли ҳуқуқшунослар қаторидан жой олди.*

*«Яхши гап жон озиғи», дейди халқимиз. Мирзоҳид аканинг эътиборли жиҳатларидан бири унинг ширин суханлигидадир. Шунинг учун ҳам у киши билан суҳбатлашсангиз кўнглингиз кўтарилади, дилоғингиз чоғ бўлади. Айтилган сўзларнинг мазмуни ва ўта мулоимлигидан ўзингни бахтиёр сезасан, киши. Ҳа, бир оғиз ширин сўзга нима етсин!*

*Устознинг инсоний фазилатларини гапираверсак, адоғи йўқ.*

*Мирзоҳид ака ҳамisha хушчақчақ, каттагами-кичикками – барчага баробар. Менимча, унинг ҳаёт йўлида эришган муваффақиятларининг сири ҳам шунда бўлса керак. Шу боис ҳам унинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.*

*М.С.Умаров 1939 йил 16 январда Тошкент шаҳрида туғилган. 1970 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.*

*Суд-ҳуқуқ идораларидаги меҳнат фаолиятини 1963 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий судида суд мажлиси котиблигидан бошлаган Мирзоҳид ака олий маълумот олгандан сўнг, 1970 йилдан бошлаб Олий судда, 1971-1972 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида маслаҳатчи лавозимларида ишлаган.*

*У 1972-1978 йилларда Бухоро вилоят судининг судьяси, 1978 йилдан бошлаб эса етти йил давомида Бухоро вилоят*

Давлат Бош арбитри лавозимида фаолият кўрсатган.

Мирзоҳид ака 1985 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат Бош арбитрининг ўринбосари вазифасига тайинланган.

1992-2000 йиллар давомида, нафақага чиққунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари вазифасида меҳнат қилган ва шундан кейин ҳам Олий хўжалик судида Суд амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш бўлимини бошқарган.

Одиллик судьянинг асосий фазилатидир, - дейди Мирзоҳид ака. - Судья ўз ишини яхши билса ва етарли билим ҳамда тажрибага эга бўлсагина, ундан адолатли қарорни куттиш мумкин. Акс ҳолда, нафақат жамиятга катта зарар етказилиши ёхуд инсонларнинг ҳуқуқлари поймол бўлиши, балки судьянинг обрўсига ҳам путур етиши турган гап.

Дарҳақиқат, устозда бунақанги фикрлар бирданга пайдо бўлмаган. Чунки, М.С. Умаров фақат суд тизимининг ўзида сал кам 30 йил меҳнат қилган, 22 йил раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Устоз ўз иш фао-

лияти давомида маънавий мезонларга риоя қилиб келди. Яъни, ҳар бир иш бўйича одиллик билан қарорлар қабул қилди, адолатсизликка асло йўл қўймади, орттирган бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланди, жамоадаги яхши мутахассисларни қадрлади, ўз шахсий ҳаётида ҳам бошқаларга намуна ва ибрат бўлди.

Шу кунларда 90 ёшга яқинлашаётган устознинг йўлини ҳаммага берсин дегим келади. Чунки, судьялик деб аталмиш ўта масъулиятли, мураккаб касбда узоқ йиллар бенуқсон ишлаб, ҳурмат-эътибор билан нафақага чиқишнинг ўз катта гап.

Юртимизда ҳар йили «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрам сифатида кенг нишонланади. Албатта, бу байрам мустақил юртимизда устозларга бўлган ҳурматнинг рамзий ифодаси бўлиб, аслида устозларга эҳтиром аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган буюк қадриятларимиздан саналади.

**З. ИСМАТУЛЛАЕВ,**  
**суд тизими фахрийси**

Шогирдларни ақлий меҳнатга кўниктириш – дарс ўқитишдан ҳам муҳимроқ эканлигини ҳеч бир мураббий унутмаслиги лозим, бу унинг бирламчи вазифасидир.

**К.Д. Ушинский**

\* \* \*

Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният мустақил ўрганиш туфайлигина тезроқ тараққий этган.

**Герберт Спенсер**

\* \* \*

Тарбиянинг бош вазифаси одамни яхши хатти-ҳаракатларга ундаш эмас, балки ўша яхшиликлардан ҳузурланишга ҳам ўргатишдир; фақат ишлабгина қолмай, ишни севиш ҳам керак-да, ахир.

**Жон Рескин**